Боқий фикр

*Инсон қадри — улуғ, хотираси боқийдир.*

Ислом КАРИМОВ

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 8-may, chorshanba №37 (8582)

*9-may — Xotira va qadrlash kuni*

# БУ ВАТАН ЭЗГУЛИКЛАР ОШИЁНИДИР

## *уни бир тану, бир жон бўлиб асрамоқ керак!*



**«Тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи поклариga ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир»** деган эди Муҳтарам Президентимиз 2012 йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бўлиб ўтган маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарар экан. Эҳтимол, «Хотира» ва «Қадр» тушунчалари умр мазмуни билан ҳамоҳанг экани бизнинг миллатимизга, Ўзбекистон элига ҳаммадан ҳам азизроқ ва муқаддасроқ тушунчалардир. Балки, ер шарираро Ватанимизнинг эзгулик ошиёнига айланиб, Тинчлик элчиси сифатида тан олинаётгани ана шу эъзозни бурч даражасига кўтариб, аждодларимизнинг маънавий меросини садоқат билан авайлаб-асраётганимиздандир. Албатта, шундай! Юртбошимиз таъкидлаганларидек **«...ҳаёт бамисоли узвий ҳалқадир...»** Бу ҳалқаларнинг ҳеч бир банди мўрт ва чигал бўлмаслиги учун ҳар биримиз бир Шахсу, катта мамлакат аҳли бир Қалб бўлиб «Биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик ва эртага ким бўлмоғимиз даркор?» деган саволни ўз-ўзимизга қайта ва қайта бериб яшамоғимиз, бирдам бўлиб ҳаракат қилмоғимиз керак.

**(Давоми 8—9-бетларда.)**

# САРМИШСОЙ: АСРЛАРНИНГ БОҚИЙ САДОСИ

*Навоий вилояти Навбаҳор туманида 4-5 май кунлари "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди.*

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида асрий анъаналаримиз, муқаддас қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 2008 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» фестивалидан кўзланган асосий мақсад қадимий урф-одат ва анъаналаримиз, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг турли йўналишларини халқимиз, кенг жамоатчилик, хорижий меҳмонларга яқиндан таништиришдан иборатдир.**

**(Давоми 5-бетда.)**

## ЯНГИ ДАРСЛИК МАЖМУАЛАРИ

### *тажриба-синов асосида янада такомиллашади*

**Дарслик мажмуалари тилни тез, осон ва, асосийси, алифбосиз ўргатишга мўлжалланган бўлиб, 14 бўлимдан иборат. Ҳар бир бўлим бир мавзуни қамраб олган. Мавзулар доирасида бештадан еттитагача лексик бирликлар ўргатилади.**

**Бир ўқув йилида ўқувчининг 68 соат ҳажмда 150га яқин лексик бирликни ўзлаштириши кўзда тутилган.**

**3-бет**

## СПОРТСЕВАР ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**2012 йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг вилоят филиали маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган умумтаълим мактаблари учун 5та спорт зали, 1та I ТИП, 3та II ТИП спорт объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бухоро шаҳрида 25х11 метр ўлчамдаги ёпиқ сув ҳавзаси қурилиши ҳам бошлаб юборилди.**

**15-бет**

***«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимиздаги барча вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ижтимоий объектлар ҳудуди кўкаламзорлаштирилиб, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилмоқда. Таълим масканларида «Экган ниҳолим билан бирга улғаяман!» шиори остида ободлик акциялари ўтказилиб, янги боғлар барпо этилмоқда.***

## *2013-yil – Obod turmush yili*

# ЯШНАЁТГАН НИҲОЛЛАР

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги 1-педагогика коллежида ҳам ўқувчи ва ўқитувчилар иштирокида мўъжаз боғ яратилиб, унга 3 минг тупдан ортиқ гул, қарийб 350 туп мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилди. Ландшафт дизайни асосида экилган бу ниҳоллар билим масканига янада кўрк бағишлади.

– Кўчат экиб, боғ яратишдек эзгу анъаналаримиз ёшларда бунёдкорлик, эзгулик, ўз уйи, ўз Ватани тақдири учун дахлдорлик туйғуларини шакллантиришда муҳим омил бўлаётир, – дейди коллеж директорининг ўринбосари, педагогика фанлари номзоди Муҳиддин Тошев. – Педагогика соҳасини танлаган ёшлар коллежни тамомлагач, ўз ўқувчиларига ҳам табиатга меҳр, унинг бебаҳо неъматларига оқилона муносабатда бўлишни ўргатади.

Коллежда «Энг обод ҳудуд», «Энг чиройли гулзор», «Энг озода ўқув хонаси» кўрик-танловлари ўтказилади. Ҳозир ўқувчилар мазкур танловларда ғолиб бўлиш учун синфхоналари, коллежда ўзлари масъул бўлган ҳудудларни доимо озода тутишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Арофат Шукурова гул ва мевали дарахт кўчатларини ўтқазишда алоҳида фаоллик кўрсатаётган ёшлардан.

— Ниҳоллар болаларга ўхшайди, — дейди Арофат. — Уларнинг тўғри униб-ўсиши, келгусида қандай мева бериши бугунги парваришга боғлиқ. Бу жиҳат, айниқса, биз – бўлғуси педагоглар учун жуда муҳим. Мен коллежда жисмоний тарбия ва болалар спорти бўйича мураббий йўналишида ўқияпман. Ўқишни тамомлаб, мактабгача таълим муассасасида мураббий бўлиб ишламоқчиман.

2700 нафар ўқувчи-ёш билим олаётган ушбу масканда бошланғич таълим тарбиявий ишлари ташкилотчиси, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, жисмоний тарбия ва болалар спорти бўйича мураббий, мактабгача, оилавий ва махсус таълим тарбиячиси, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Коллеж директорининг касб таълими бўйича ўринбосари Барно Каримованинг айтишича, бу йил ўқишни битирадиган 1022 нафар ўқувчи умумий ўрта ва мактабгача таълим масканларида тўрт, олти ва саккиз ҳафталик дипломолди амалиётини ўтамоқда. Уч томонлама шартномага мувофиқ, улар ушбу масканларга ишга жойлашади. Шунингдек, мактаб, болалар боғчаси, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик «Устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга хизмат қиляпти.

Ўқув масканида олтмишга яқин фан, бадиий ижодиёт, касб кўникмаларига оид тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Ҳар жума ва шанба кунлари гимнастрада, турли спорт мусобақалари ўтказилиши анъанага айланган. «Ақлга — билим, қалбга — маънавият» мавзуидаги туркум семинарлар ёшларнинг юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига оид билимини ошириш, «Ораста қизлар» тўгараги эса қизлар маънавияти, тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Олимлар, маънавият тарғиботчилари, турли соҳа мутахассислари, маданият ва санъат намояндалари иштирокидаги учрашувлар, жонли мулоқотларда ёшларни диний экстремизм ва ақидапарастлик, «оммавий маданият», ахборот хуружларининг салбий таъсиридан ҳимоялаш ҳақида сўз юритилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЎҚИТУВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ

## *Seminar-trening*

Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги қарорида таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш билан бирга ўқитувчилар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда ЎзДЖТУда ташкил этилган Малака ошириш марказида олий, ўрта махсус ва умумтаълим тизимида фаолият юритаётган инглиз, немис ва француз тили фани ўқитувчилари учун махсус тренинг-машғулотлар олиб борилди. Куни кеча малака ошириш курсини муваффақиятли тамомлаган 80 нафар француз тили фани ўқитувчисига сертификат топширилди. Машғулотларни хорижлик мутахассислар ва университет профессор-ўқитувчилари олиб боришди.

144 соатлик машғулотлар давомида педагогларга 1-синфга француз тилини тинглаб-тушуниш ва ўйинлар орқали ўргатиш методикалари, замонавий педтехнологиялар акс этган дидактик материаллар ҳамда ўқув режаларининг электрон версиялари берилди.

— Уч ҳафта давомида француз тилидан яратилган янги дарслик мажмуа, дастур ва режа билан танишиб, 1-синфларда ўқув машғулотларини қизиқарли ташкил этиш методларини ўргандик, — дейди Шовот туманидаги 33-умумтаълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси Роҳатой Шарипова. — Айниқса, дарсликда ҳар бир дарснинг содда, мусиқий-мантиқий жумлалар, расмлар билан қизиқарли ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилган.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

# ОЧИҚ ДАРСЛАР ТААССУРОТИ

Сергели туманидаги 6-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида чет тиллар фан ойлиги доирасида "Очиқ эшиклар куни" бўлиб ўтди. Тадбирда туман мактабларидан келган инглиз тили фани ўқитувчиларнинг очиқ дарслари кузатилди.

— Бошланғич синфда ёш педагог Раъно Ашурованинг "Animals" ҳамда 6-синфда Р.Зубаровининг "Welcome to dreamworld" мавзусида ўтган очиқ дарслари барчада яхши таассурот қолдирди, — дейди 284-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Шоира Мамадиёрова. — Мультимедиа воситалари ёрдамида олиб борилган дарсда ўқувчилар фаол иштирок этишди. Дарснинг қизиқарли ўтишида турли кўргазмали қуроллардан фойдаланган Р.Ашурова қайчи ишлатмасдан қўлда кўғирчоқ ясаш усули билан ўқувчилар эътиборини жалб қила олди.

**Гулюз ОРИФЖОНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**
**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ИСТИҚБОЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармасида «Муқобил энергия манбалари ва уларни Ўзбекистонда татбиқ этиш йўллари» мавзусида хорижлик мутахассислар иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Бир ҳафта давом этган ушбу тадбирда юртимизда мазкур соҳада фаолият олиб бораётган Фанлар академияси институтлари ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий ходим-татқиқотчилар ҳамда Германиянинг Фрайберг, Дрезден ва Магдебург техника университетлари профессорлари иштирок этди.***

Семинарнинг ялпи йиғилишида Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар ижроси, хорижий давлатларда тўпланган тажрибалар таҳлили, кадрлар тайёрлаш ва шу йўналишда фаолият олиб бораётган таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш зарурати тўғрисида атрофлича фикр юритилди. Шундан сўнг амалий машғулотларда давом эттирилди.

Қатнашчилар профессор Валтер Петер Йон маърузасидан ҳозирги кундаги муқобил энергия манбаси ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, бу борадаги жаҳон ва Германия тажрибаси, қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш, кремнийли қуёш элементларига эга бўлган замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, шамол энергияси ва улардан фойдаланиш имкониятлари, фотоэлектрик ва қуёш электр станциялари иш омилларига оид кўплаб маълумотларга эга бўлишди.

Шунингдек, семинар-тренинг давомида Фанлар Академиясига қарашли Физика техника институти ҳамда Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Материалшунослик институтида икки кунлик амалий машғулотлар ҳам ташкил этилди. Унда иштирокчилар қуёш энергиясининг паст потенциалли сифатлари, концентратлар, Стирлинг двигатели асосида электр энергияси ишлаб чиқариш ва паст ҳарорат ҳосил қилиш қурилмалари билан бевосита танишдилар ҳамда фотоводород, электр, материаллар синтези мавзусидаги амалий лаборатория машғулотларида қатнашдилар.

**Гулҳаё БОБОЖОНОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

# ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## *тажриба-тадқиқот майдонларида сараланмоқда*

Пойтахтимиздаги 169-мактабда «Ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этишда илғор педагогик технологияларнинг аҳамияти» мавзусида республика ўқув-семинари ўтказилди. Анжуманда Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, Республика таълим маркази методистлари ҳамда умумтаълим муассасаларида ташкил этилган 28та тажриба-тадқиқот майдонининг энг илғор амалиётчи-ўқитувчилари иштирок этди.

Семинар ялпи йиғилишида ёшлар таълим-тарбияси йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, таълим сифатини янги босқичга кўтариш масалаларида сўз борди.

Ялпи мажлисдан сўнг иштирокчилар. «Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар ва уларнинг мазмун-моҳияти», «Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштириш технологиялари», «Ахборот коммуникация технологияларига асосланган таълим технологияларининг мазмун-моҳияти», «Ривожлантирувчи таълим технологиялари» ҳамда «Тадқиқотчилик таълим ёндашувлари» мавзуларига бағишланган шўъба йиғилишлари бўлинган ҳолда муҳокамаларда иштирок этдилар.

## *Anjuman*

— «Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар ва уларнинг мазмун-моҳияти» мавзусида тренинг ўтказдик, — дейди Тошкент вилояти ПКҚТМОИ маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори Нилуфар Юлдашева. — Масаланинг моҳиятини янада чуқурроқ англатиш мақсадида шўъба иштирокчилари билан «Мен ҳақимда сен гапир» методидан фойдаланилди.

Ўқув-семинар якунида илғор иш тажрибалар, педагогик технологиялар банки шакллантирилди ва амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар тайёрланди.

**Голиб БАҲРОМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# ЯНГИ ДАРСЛИК МАЖМУАЛАРИ

## *тажриба-синов асосида янада такомиллашади*

***Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан, янги ўқув йилидан эътиборан чет тилини ўқитиш умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошланади. Шу боис чет тили дарслик мажмуалари (ўқувчи дарслиги, ўқитувчи китоби, мультимедиа иловалари) ишлаб чиқилиб, республикамизнинг бир қатор ҳудудларида тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Мухбиримиз Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бошлиғи Абдураҳим Носиров билан тажриба-синов жараёнининг бориши ҳақида суҳбатлашди.***

**— Чет тили дарслик мажмуалари республикамиз таълим тизими учун янгилик саналади. Ҳар қандай янгилик эса тажриба-синов орқали мослаштирилади, такомиллаштирилади. Янги дарслик мажмуалари тажриба-синови қандай кечаяпти?**

— Айни пайтда инглиз тили дарслик мажмуаси 76та мактабнинг 1-синфида тажриба-синовдан ўтказилаётган бўлса, немис ва француз тили дарслик мажмуалари эса ҳар бир вилоятдан иккитадан тажриба таянч мактабида синаб кўрилмоқда. Таянч мактаб танлашда асосан муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамлиги, кадрлар салоҳияти юқорилигига эътибор қаратилди.

Тажриба-синов таянч мактабдаги 1-синфлардан бирини танлаб, ўқувчиларни икки гуруҳга бўлган ҳолда, 2 нафар экспериментатор-ўқитувчи томонидан амалга оширилмоқда. Ўқитувчилар дарслик, қўлланма ва мультимедиали иловалар билан таъминланган. Улар белгиланган тартибга кўра мавзу бўйича берилган саволнома асосида хулоса тайёрлаб, мактаб фан методбирлашмасига тақдим этишади. Туман ва вилоят халқ таълими идораларининг метод бирлашмаларида муҳокама қилинган якуний хулосалар умумлаштирилиб, Республика таълим марказига юборилади. Шунингдек, дарслик мажмуалари халқаро талабларга нечоғлик мослигини аниқлаш мақсадида хорижий экспертлар томонидан ҳам тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Якунда уларнинг фикри ҳам инобатга олиниб, ўқувчи дарслиги, ўқитувчи китоби, мультимедиа иловалар янада такомиллаштирилади.

**— Шу ўринда бир ўқув йилига мўлжалланган дарслик мажмуасини қисқа вақтда тўлақонли тажриба-синовдан ўтказиш қийин эмасми, деган савол туғилиши табиий...**

— Тўғри таъкидладингиз, аслида, бунинг учун камида бир йил керак бўлади. Вақт тиғизлигини ҳисобга олиб, апрель ва май ойларида янги дарслик мажмуаларининг фақат тўртта бўлимини тажриба-синовдан ўтказишни режалаштирдик. Ушбу бўлимлар биринчи чоракда ўтилиши режалаштирилаётган мавзуларни қамраб олган.

**— Барча саъй-ҳаракатлар, аввало, ўқувчи чет тилларни тез ва осон ўрганишига йўналтирилган. Шу маънода ўқувчи дарслигини мажмуанинг ўзаги дейиш мумкин. Айтинг-чи, ўқувчи дарслигини тажриба-синовдан ўтказишда экспериментатор-ўқитувчилар қайси жиҳатларга эътибор бериши назарда тутилган?**

— Дарслик мажмуалари тилни тез, осон ва, асосийси, алифбосиз ўргатишга мўлжалланган бўлиб, 14 бўлимдан иборат. Ҳар бир бўлим бир мавзуни қамраб олган. Мавзулар доирасида бештадан еттитагача лексик бирликлар ўргатилади. Бир ўқув йилида ўқувчи 68 соат ҳажмда 150га яқин лексик бирликни ўзлаштириши кўзда тутилган. Таъкидлаш керакки, болага ўқитмасдан, ёздирмасдан шунча сўзни ўргатиш мураккаб вазифа. Дарслик мажмуаларида мана шундай алоҳида жиҳатлар ҳам инобатга олинган.

Экспериментатор-ўқитувчиларга ўқувчи дарслигини тажрибадан ўтказиш асосида мавзуларнинг кетма-кетлиги, узвийлиги, ўқувчининг ёши, психофизиологик хусусиятига мослиги, фанлараро боғлиқлиги, расмларнинг тасвирланиши, ранги ва жойлашишига ҳамда топшириқларнинг ифодаланишига, қулайлигига эътибор бериш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, педтехнологиялар тўғри танланганлиги, қўшиқ, шеър, ўйинларнинг мавзуга ҳамоҳанг ва қизиқарлилиги, мавзулар доирасида ўзлаштирилган сўз захиралари мулоқот қилиш имкониятига йўналтирилганлиги ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда мультимедиали иловалар ёрдамчи материал вазифасини бажариши керак. Иллюстрациялар бола ёшига мос бўлиши, тинглаб тушуниш учун берилаётган материаллар, видолавҳалар тез ва осон қабул қилиниши зарур. Болани чет тили муҳитига тинглаб тушуниш орқали олиб кириш эса методик қўлланмадаги услублардан самарали фойдалана олиш керак. Қолаверса, ўқитувчи қўлланмасининг ўқувчи дарслигидаги мавзуларга мослигига ҳам эътибор қаратиш лозим.

**— Олти-етти яшар болаларга чет тилини ўргатиш ўқитувчидан алоҳида педагогик маҳорат талаб этиши табиий. Шу жиҳатдан дарслик мажмуаси таркибига методик қўлланма ҳам киритилгани айни муддао бўлган. Ўқитувчи китобини тайёрлашда асосан нималарга эътибор қаратилган?**

— Чет тили ўқитувчиларимизнинг кўп йиллар давомида тўплаган тажрибаси асосан 5–9-синфга қаратилган. Аммо 5-синфда ўқийдиган 12 ёшли ўқувчи билан мактабга энди қадам қўйган 6-7 ёшли боланинг писхологияси ва имкониятларида жуда катта фарқ бор. 1-синф ўқувчисини партада 45 дақиқа ушлаб ўтиришнинг ўзи осон эмас. Бунда ўқитувчига методик қўлланма яқин кўмакчи ҳисобланади. Китобдаги шартлар асосан инглиз, немис, француз тилида бўлгани боис, аввало, ўқитувчининг ўзи болаларга ўргатаётган чет тилини мукаммал билиши керак. Акс ҳолда, тавсиялардан тўлақонли фойдалана олмайди. Тажриба-синовда қўлланма мавзуни тушунтиришда нечоғлик ёрдам бериши ҳам кузатилади. Аниқланган хато ва камчиликлар хулосада қайд этилади. Малака ошириш курсларида ўқитувчиларни методик қўлланмадан фойдаланишга ўргатиш кўзда тутилмоқда.

**— Айни шу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Малака оширишнинг босқичма-босқич схемаси ишлаб чиқилган. Апрель ойидан бошланган машғулотлар август ойигача узлуксиз давом этади. ЎзДЖТУда инглиз, немис ва француз тилидан махсус тайёрланган тренерлар жойларда иш олиб боришаяпти. Курс якунида ҳар бир ўқитувчининг даражасини аниқлаш учун Давлат тест маркази ўтказган синовдан муваффақиятли ўтганларга сертификат берилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, сертификат олган чет тили ўқитувчиларигина янги ўқув йилидан дарс бериши ва қўшимча устама ҳақи олиши белгилаб қўйилди.

### *Qaror va ijro*

**— Ўқитувчи методик қўлланмадан фойдаланиб мавзуни тушунтириш имкониятига эга. Аммо фарзанди билан уй вазифасини бажармоқчи бўлган ота-оналар-чи? Улар учун қандай тавсиялар берилган?**

— Чиндан ҳам, ўқувчи китоби асосан расмлардан иборат бўлиб, топшириқлар инглиз, немис ёки француз тилида берилган. Демакки, тилни билмайдиган ота-она фарзандига ёрдам бера олмайди. Қолаверса, методик қўлланма ўқитувчиларга берилади. Янги дарслик мажмуаларида бу жиҳат ҳам инобатга олинган. Ота-она ўқувчи дарслигидаги тавсиялар ёрдамида фарзанди билан уй вазифасини бажариши мумкин. Жараёнда мана шундай тавсиялар ҳам тажриба-синовдан ўтказилмоқда.

**— Тажриба-синовнинг дастлабки ойи ҳам ортда қолди. Шу вақт давомида таянч мактаблардан келган хулосаларда қандай фикрлар билдирилмоқда?**

— Экспреминтатор-ўқитувчилардан асосан танқидий фикр беришларини сўрагандик. Шу боис хулосаларда «Kid`s English» дарслик мажмуасининг ўқувчи китобидаги айрим камчиликлар баён қилинган. Жумладан, «Оила» мавзусини ўтишда хона жиҳозлари кичик ҳажмда тасвирланган. Психологларнинг фикрича, бола катта расмдан ниманидир олиши мумкин, лекин бир жойдаги кўплаб майда суратларни фарқлашга қийналади. Топшириқларнинг номланишига ҳам эътирозлар бўлди. Мисол учун, «Занжирли ўйин»ни «Савол-жавоб» деб ўзгартирдик. Нарда ўйини тошларидан фойдаланилган топшириқ мутахассислар тавсиясига кўра алмаштирилди. Бошқа хулосалардаги таклифларни ҳам ўрганаяпмиз.

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.**

## Yangiliklarda yurt nafasi

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида "Таълимнинг узлуксизлигини таъминлашда янги педагогик технологиялар ва инсон омилининг ўрни: натижалар, ривожланиш истиқболлари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманда Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларидаги олий ўқув юртлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари вакиллари, ёш олим ва тадқиқотчилар, иқтидорли ўқувчи-талабалар иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимиз таълим тизимидаги устувор йўналишлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари, соҳадаги ислоҳотлар жараёнида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг аҳамияти, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари, таълим самарадорлигини оширишда ўқув-услубий мажмуаларнинг ўрни, янги дидактик тизим — ижодий фикрлашни шакллантириш технологияси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва унинг қошидаги «Нуристон» академик лицейи ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида кўргазмали стендлар намойиш этилиб, турли инновацион ғоя ва лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

* * *

**Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Обод турмуш йилига бағишланган "Ўзбекистон — умумий уйимиз" мавзусида дўстлик фестивали ўтказилди.**

Наманган вилояти ҳокимлиги, Республика Байналмилал маданият маркази, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда миллий маданият марказлари раҳбарлари, талаба-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Наманган вилоятида етмишдан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Кўплаб миллий маданият марказлари, ўқиш турли тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Фестиваль доирасида ташкил этилган "Обод турмуш шакллашишда миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни" мавзусидаги илмий-амалий семинарда миллатлараро муносабатлар ва миллий маданият марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, диний бағрикенгликнинг ҳуқуқий асослари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

* * *

**Ўзбекистон давлат консерваториясида "Наврўз садолари" миллий чолғу ансамбллари ва оркестрларининг VI республика фестивали бошланди.**

Тадбир "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ва Халқ таълими вазирликлари, Бастакорлар ва "Тасвирий ойина" ижодий уюшмалари, "Сўғдиёна" халқ чолғулари камер оркестри ҳамкорлигида ташкил этилди.

Жорий йилги фестивалнинг финал босқичида вилоятларда ғолиб деб топилган 55 миллий чолғу ансамбли ва оркестри, профессионал жамоалар қатнашмоқда. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ёшларнинг миллий мусиқий чолғуларимизга қизиқиши, билим ва кўникмаларини оширишдир.

— Мактабимизда 410 нафар ўқувчи ўнга яқин йўналиш бўйича таълим олмоқда, — дейди Чирчиқ шаҳридаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Нилуфар Исроилова. – Мактабимиз икки йил аввал капитал реконструкция қилинди ва янги асбоб-ускуналар билан таъминланди. "Наврўз садолари" фестивалида беш йилдан бери иштирок этамиз. Ўтган йил ушбу танловда иккинчи ўринни эгаллаган эдик. Бу йил ғолиб бўлиш ниятидамиз.

Уч кун давом этадиган тадбир доирасида барча бўғиндаги мусиқий таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларидан таркиб топган ансамбллар ва профессионал ижодий жамоалар ўз ижодий дастурларини намойиш этади.

* * *

**Нукус шаҳрида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида "Бир тадбиркорга — уч ҳамкор" акцияси ташкил этилди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда Оролбўйида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари вакиллари, банк ходимлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

Мазкур акцияни ўтказишдан асосий мақсад – касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Анжуманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш, ўз бизнесини очишга интилаётган ишбилармон йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда корхона, банк ва ўқув муассасаси ҳамкорлигини янада кучайтириш борасида фикр юритилди. Битирувчиларга бизнес-режа тузиш, корхонани рўйхатдан ўтказиш, микрокредитлар олишга доир маълумотлар берилди.

**ЎзА ва махсус мухбирларимизнинг материаллари асосида тайёрланди.**

## Фан ва таълимда инновациялар

*Seminar*

**Ўзбекистон Миллий университетида республика хотин-қизларининг "Олима" уюшмаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда "Фан ва таълимда инновациялар" мавзусида илмий семинар ташкил этилди.**

Тадбирда университетда амалга оширилаётган илмий лойиҳалар ва тадқиқотларда олима аёлларнинг иштироки, хотин-қизларни ижтимоий фаоллаштиришда хориж тажрибаси ва миллий тамойиллар ҳамоҳанглиги, олималарни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари муҳокама қилинди.

— Семинарда «Ўзбек тили синтаксиси тадқиқининг тараққиёт босқичлари» мавзусидаги маърузам билан қатнашдим, — дейди филология фанлари доктори, профессор Муҳаббат Қурбонова. — Ўзбек тилшунослиги мустақиллик йилларида жадал тараққий этди. Тил синтаксисининг ўзига хослиги, гап қурилишининг нозик жиҳатлари, синтактик бирликларнинг табиати тараққиёт ва глобаллашув жараёнида турли ўзгаришларга учрамоқда. Бу эса ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурлигини кўрсатади.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

## Янги давр санъати муаммолари

*Konferensiya*

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Янги давр санъати: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар" мавзусида илмий амалий конференция бўлиб ўтди. Унда республикамиз ҳамда қўшни давлатлардан келган профессор-ўқитувчилар долзарб мавзудаги маърузалари билан иштирок этди.**

Икки кун давом этган конференцияда кўрилган масалалар олтита шўъбада муҳокама этилди. Жумладан "Оммавий маданият" ва унинг ёшларга кўрсатаётган салбий оқибатлари", "Ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари", "Китобхонлик, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва қизларни турмушга тайёрлаш", "Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанидаги трансформацион жараёнлар", "Театр ва кино санъати режиссурасидаги инновацион изланишлар" каби мавзулар қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Конференция талабаларнинг илмий салоҳиятини кучайтириш билан бирга уларни янада чуқурроқ изланишга ундади.

**Замира АҲМЕДОВА,**
**ЎзДСМИ кафедра мудири**

## «Хотира — боқий, инсон — улуғ»

**Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Сўзга чиққанлар хотира юксак маънавий тушунчалиги, қалбдаги инсоний туйғуларни тарбиялаши, инсон хотираси боқийлиги, қадр-қиммати эса улуғлиги, шу билан бирга, элу-юрт тақдирида муҳим из қолдирган ота-боболаримизнинг жасоратларини улуғлаш эзгу амаллигини таъкидлашди. Президентимизнинг жорий йил 25 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони юртимизда уруш қатнашчилари ва ногиронларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ифодаси бўлгани таъкидланди.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ёнғин хавфсизлиги соҳасида самарали фаолият олиб борган фахрийлардан бири Абдувоҳид Абидовнинг машъум уруш ҳақидаги хотиралари, бугунги тинчлик қадри, хотиржамлик бахти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, шукронага йўғрилган гаплари катта қизиқиш билан тингланди.

Байрам дастурининг бадиий қисми тадбир файзига файз қўшди.

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

## Тинчлик қадри

*Uchrashuv*

**Пойтахтимиздаги 317-умумтаълим мактабининг бир гуруҳ ўқувчилари тарих фани ўқитувчилари Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган Ҳабиба ая Файзиева хонадонига боришди.**

— Уруш туфайли тўрт ёшимда ота-онамдан ажралиб, етим қолдим. Кўпгина болалар каби мен ҳам Ўзбекистонга келтирилдим, бу ердаги меҳрибонлик уйларидан бирида қўним топдим, — дея эслайди болалик дамларини онахон. — Деярли ҳар куни ота-оналар келиб, орамиздан кимнидир фарзандликка олиб кетишарди. Бошқалар эса уларнинг ортидан ҳавас билан қараб қоларди. Темирчи ота Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳри ая мени ўз оиласига ўн тўртинчи фарзанд қилиб олиб кетишганида мендан бахтли инсон бўлмаган. Бу оилада турли миллат болалари бор эди. Аввалига улардан бироз бегонасирадим. Бироқ кейинчалик бир ота-онанинг болаларидек бўлиб кетдик. Биз оилада ўн ўғил ва тўрт қиз эдик. Шоаҳмад ота ва Баҳри ая биз қизларга Холида, Ҳакима, Ҳалима ва Ҳабиба деб исм қўйишган.

Дарҳақиқат, бугунги тинч-осойишта, ҳур замон бир вақтлар аждодларимизга қўл етмас орзу эди. Ҳабиба аянинг хотиралари мактаб ўқувчиларига ўзига хос ҳаётий сабоқ бўлди.

**Ширин БАРАТОВА**

## Амалий ва суҳбат дарслари муҳим

Олмазор туманидаги 249-умумтаълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси Дилфуза Сирожиддинова машғулотларда ахборот-коммуникация технологияларига алоҳида эътибор қаратади. 9-синф ўқувчиларига «Ажралмас бирикмалар» мавзусида ўтган дарсида ҳам жисмнинг ҳар томондан кўринишини тасвирлаб бериш учун замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланди. Йигирма бир йиллик педагогик тажрибага эга ўқитувчи дарсларнинг қизиқарлилигини ошириш учун Тошкент давлат педагогика университетининг «Чизмачилик ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси ўқитувчиларини ҳам ҳамкорликка чорлаган. Улар иштирокидаги суҳбат дарслар, амалий машғулотлар ўқувчилар билим ва қизиқишининг ошишига туртки бўлади.

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

# САРМИШСОЙ: АСРЛАРНИНГ БОҚИЙ САДОСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Бу йилги фестивалнинг Саримишсойда ўтказилишида ўзига хос маъно бор, албатта. Тарихимизнинг бебаҳо ёдгорликларини ўзида мужассам этган мазкур музей-қўриқхона мамлакатимиз тарихига қизиқувчилар ва сайёҳларни жалб этиб келаётир. Сойнинг икки соҳилидаги қоятошларга ишланган ўн мингдан ортиқ петроглифлар аждодларимиз маданиятининг тараққиётини акс эттирган. Жумладан, тош асарларда оловнинг кашф этилиши, ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш даврлари, чорвачилик маданияти тарихи ва ов жараёнлари тасвирланган.

Тошлардаги суратларнинг маҳорат билан ишлангани юртимизда қадимдан санъат ва маданият юксак даражада ривожлангани, қоятошлар юзасида муайян даврларга оид маданий босқичларнинг акс эттирилиши аждодларимизнинг кенг тафаккур соҳиби бўлганидан далолатдир.

Сой қирғоқларида қадимда экинзорлар ва сувдан унумли фойдаланиш тизими қўлланилгани ҳудудда деҳқончилик маданияти ривожланганидан дарак беради.

Ушбу гўзал масканда "Асрлар садоси" анъанавий олтинчи маданият фестивалига қизғин ҳозирлик кўрилди. Хусусан, ҳудуднинг табиий гўзаллигини янада бойитиш мақсадида сой бўйларига турфа манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди ва гуллар экилди. Миллий маданиятимизнинг асл намуналарини кенг намойиш этиш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни муносиб кутиб олиш ва уларга намунали хизмат кўрсатиш юзасидан ташкилий ишлар уюшқоқлик билан олиб борилди.

Навоий темир йўл вокзали ва Навоий халқаро аэропорти атрофлари байрамона безатилиб, магистраль ва ички автомобиль йўлларида кенг кўламли таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Навбаҳор, Нурота ва Кармана туманларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилди.

... 4 май. Соат 10:00. Яшил гилам ёйган, чор-атроф гулларга бурканган Сармишсойда эрта тонгданоқ карнай-сурнай, дутор ва чанқовузнинг сеҳрли наволари таралиб, ҳамюртларимиз ва хорижий меҳмонларни фестиваль дебочаси — халқ сайлига чорлади. Майдонга бадиий-фольклор, миллий рақс жамоалари кириб келди. Шу ернинг ўзида барпо этилган мўъжаз саҳналарда ҳар бир бадиий жамоа фестиваль учун тайёрлаган мусиқий дастурини ижро этди. Дорбозлар ўйини, улоқ-кўпкари, кўчқор, хўрозлар «жанги» фестивалга янада жўшқинлик, бетакрор миллий руҳ бағишлади.

Бир қатор хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро туризм ярмаркаларида «Асрлар садоси — 2013» анъанавий маданият фестивалининг тақдимотлари ўтказилиб, ушбу ижодий лойиҳа ҳақида хорижликларга атрофлича маълумотлар берилган эди. Бу фестивалда иштирок этиш орқали табаррук заминимизни ўз кўзи билан кўриш, анъана ва қадриятлари, маданияти, самимий ва бағрикенг халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш истагини билдирган меҳмонлар сафининг тобора кенгайишида муҳим омил бўлди. «Асрлар садоси» фестивалининг асосий тадбирлари билан ҳамюртларимизни кенгроқ таништириш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Туркистон» саройида мазкур лойиҳа доирасидаги гала-концерт намойиш этилди.

...Сармишсойда шўх куй-қўшиқлар янгради. Халқ амалий санъати усталари ижодига бағишланган ярмарка бўлиб ўтди. Фестиваль учун ҳозирланган махсус расталарда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган халқ амалий санъати усталари, моҳир ҳунармандлар, уларнинг шогирдлари ўз ижод намуналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Нурота каштачилиги, ёрқин ва бетакрор либослари, нақшинкор дўппилари, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошликнинг миллий ҳунармандчилигимизда алоҳида ўрни бор.

Махфират Тўрақулова нуроталик чеварларнинг тўртинчи вакили. У ўн еттинчи асрга оид Нурота каштачилиги намуналарини қайта тиклашга муваффақ бўлган. Чевар қизнинг кўз нури, қалб кўри, алоҳида меҳр ва маҳорат билан тиккан сўзана, дўппи, камзул, турфа либослари ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонларга жуда манзур бўлди.

— Мамлакатимизда миллий ҳунармандлик ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор самарасида маҳалламиз миллий ҳунармандлик марказига айланиб бормоқда, — дейди Махфират Тўрақулова. — Бу ёшларнинг аждодларимиз касб-корига бўлган қизиқиши ва ҳавасининг тобора ортиши, уларга касб-ҳунар ўргатиш, вақтини унумли ва мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Сармишсойда шўх яллалар янграб, жозибали рақслар авж олди. Юртимизнинг турли вилоятлари мусиқий меросини намойиш этувчи ўттизга яқин фольклор жамоа, бадиий ҳаваскорлик гуруҳларининг мазкур тадбирга бағишлаб тайёрлаган ранг-баранг дастурлари фестивалга янада кўтаринкилик, завқ бағишлади.

— Ушбу фестиваль давомида ўзбек миллий анъана ва қадриятларининг асрлар оша аждодлардан авлодларга эъзозланиб, тобора сайқалланиб келаётганига гувоҳ бўлдим, — дейди Лувр музейининг Шарқ маданияти ва санъати бўлими раҳбари Ронте Рокко (Франция). — Жаҳонда анъанавий маданиятга оид фестиваллар, танловлар кўп. «Асрлар садоси» ўзбек халқининг юксак маънавияти, ижодий-интеллектуал салоҳияти, бетакрор ва бой маданий меросининг ёрқин кўзгуси сифатида барчани ҳаяжонга солади. Сармишсойдаги мана бу тошларга ёзилган битиклар, суратлар, бу ерда ўтган фестиваль тадбирларидан буни яққол кўриш мумкин.

Санъат байрами доирасида Бухоро шаҳрида "Ўзбекистон маданий ва маънавий меросида меъморий битикларнинг ўрни: тадқиқот, кашфиёт ва истиқбол" мавзусидаги халқаро анжуман бўлиб ўтди. Манбашунослар, археологлар, меъморлар, олим ва эксперт-лар, хаттотлар, ноширлар, хорижлик мутахассислар қатнашган мазкур тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан маънавий меросимизни тадқиқ этишга оид лойиҳа жараёнлари атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган экспедицияларда кўплаб зиёратгоҳлар, ёдгорликлар пештоқидаги мингга яқин ҳикматли сўзлар ўрганилди. Айрим обидалардаги хира тортган ёзувлар қайта тикланди. Изланишлар натижасида жамғарма томонидан нашр этилган «Шарқ хаттотлик ва миниатюра санъати намуналари. VII—XI асрлар», «Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар» китоб-альбомлари Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи галереясидан ўрин олиб, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро китоб-ярмаркаларида бир неча номинациялар бўйича махсус диплом билан тақдирланди. Тадбир доирасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг меъморий обидаларни ўрганишга оид лойиҳаси доирасида нашр этилган олти китобнинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Китоблар Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Хива, Қорақалпоғистон ҳудудидаги қадимий обидаларда муҳрланган битикларни ўрганишга бағишланган.

Шу куни Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида «Меҳр нури» жамғармаси томонидан қайта таъмирланган "Биби Орифа" меъморий обидасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Айни пайтда Маънавий билимларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ихтисослаштирилган таълим даргоҳларининг 20 нафар иқтидорли талабасига стипендиялар топширилди.

— Мамлакатингиздаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт, Ўзбекистоннинг тараққиёт сари дадил одимлаб бораётгани, маънавият ва маърифат ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор шу каби ёрқин фестивалларнинг юксак савияда, шоду хуррамлик билан ўтказилишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди италиялик хонанда Массимо Гальфано. — Бу табаррук заминдаги файзли ва обод, гавжум масканлар, халқингизнинг самимий, очиқ ва бахтиёр чеҳраси, юз-кўзидаги шукроналик туйғусига жуда-жуда ҳавасим келди. Италияга қайтгач, гўзал Ўзбекистон ҳақида қўшиқ яратмоқчиман.

5 май куни Сармишсой дарасида халқ сайиллари, кўргазма-ярмаркалар, полвонлар кураши, миллий ўйинлар, фольклор жамоаларининг чиқишлари, бахшилар ижролари, лапар ва айтишувлар давом этди. Ўзбек пазандалик мактабининг бой анъаналарини намойиш этувчи Миллий таомлар фестивали ҳамда ошпазлар мусобақаси бўлиб ўтди.

Фестивалнинг ёрқин тадбирларидан яна бири — Миллий либослар намойишида ўзбек миллий либосларининг тарихи, қадимдан шаклланган анъаналари, бугуни ва истиқболи ҳақида маълумот берилди. Либосларнинг Зарафшон воҳасига хос жиҳатлари — яшил, зангори, бинафша тусли, ўзига хос бичими, гўзал нақш каштали кийимлар билан бирга анъанавий либослар, замонавий мода намойиши фестиваль иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— «Асрлар садоси» ижодий лойиҳаси мазмун-моҳияти, аҳамияти, тадбирлари кўламининг ғоят кенглиги ва ранг-баранглиги билан мени мафтун этди, — дейди Канада университети профессори, тарихчи олим Давид Схиммельпэннинк ван дер Ойе. — Изчил тараққий этаётган, тобора чиройи очиб бораётган Ўзбекистонда ибратли анъана ва қадриятлар бардавомлигини таъминлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор барчанинг ҳавасини тортмоқда. Буларнинг бари Ўзбекистоннинг истиқболи янада буюк эканидан далолат беради.

**(Давоми 16-бетда.)**

# ЯНГИ ДАВР ДИРЕКТОРИ

## *у қандай бўлиши лозим?*

Таълим мазмунини бойитиш, самарали ўқув услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, ўқувчилар билимида юқори кўрсаткичларга эришиш педагогик жамоа салоҳиятига, муассаса раҳбарининг маҳоратига боғлиқ. Таълим тизими олдига қўйилган ижтимоий талабларнинг бажарилишида, айниқса, мактаб директорининг ўрни беқиёс. Ҳозирги кунда ўз фаолиятига ижодий ёндашадиган, ташаббускор, замонавий фикрловчи, ғоявий-сиёсий тушунчаси кенг, педагогика, психология, менежмент билимдони ва тадбиркор раҳбаргина замон олдига қўяётган талабларга жавоб бера олади.

Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда малака ошираётган мактаб директорлари ўртасида ҳар ой якунида «Янги давр раҳбари» кўрик-танловини ўтказиш йўлга қўйилди. «Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган, аввало, ўзини ўзгартириши лозим» шиори остида ташкил этилган дастлабки беллашувда тўрт юзга яқин тингловчи орасида бир ой давомида билим ва ташаббускорлигини намоён этган энг фаол 12 нафар раҳбар баҳс олиб борди.

— Ёшлар таълим-тарбиясида энг масъулиятли давр мактаб йилларидир, — дейди институтнинг «Маънавият асослари» кафедраси ўқитувчиси, сиёсий фанлар доктори, профессор Шукриддин Пахрутдинов. — Оммавий маданият каби вайронкор ғоялар авж олган глобаллашув жараёнида биз педагоглар елкасида ёшларни тўғри йўлга бошлашдек залворли масъулият турибди. Хўш, мана шундай мураккаб ва зиддиятли даврда замонавий мактаб директори таълим-тарбия жараёнини қандай ташкил қилиши лозим? Кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад — мактаб раҳбарининг назарий ва амалий билимларини бойитиб, бугунги замон талаблари асосида ҳаётга тўлақонли татбиқ этишига кўмаклашиш, улар орасида ўзаро соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, тажрибаларни оммалаштириш, умуман, ёшлар таълим-тарбиясида масъуллиги ва фидойилигини янада оширишдир. Раҳбарлар ўқилаётган маърузалар, ўқув-семинарларни қандай ўзлаштирмоқда, муаммоли вазиятда ўзини қандай тутади, салоҳияти қай даражада, деган саволларга ҳам жавоб қидирилди. Директорларининг нималарга аҳамият бераётганию қай жиҳатларни эътиборидан четда қолдираётгани ўрганилиб, хулоса чиқарилди.

Кўрик-танлов тўрт босқичда давом этди. Дастлабки шартда ҳар бир қатнашчи муассаса фаолияти ва бошқарув услуби тўғрисида ёзган битирув-малакавий ишини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тақдим қилди. «Савол-жавоб»да мактаб директорларининг таълимга оид меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти бўйича билими синалган бўлса, «муаммоли вазият» шартида мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилияти, топқирлиги ва ҳозиржавоблиги имтиҳон қилинди. Сўнгги турда иштирокчилар Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини амалга оширишга доир тавсия ва таклифларини баён этишди. Айниқса, кўрик-танлов иштирокчилари орасида чет тилида эркин сўзлаша оладиганлар борлиги барчанинг эътирофига сазовор бўлди.

**Tashabbus**

— Мактаб директорлари салоҳияти, адолатлилиги, изланувчан ва ташаббускорлиги ўқув-тарбия жараёни самарадорлигининг асосий омилларидандир, — дейди Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори Замира Ҳасанова. — Дарсларда маъруза тинглаш, ҳамкасбларим тажрибаси билан ўртоқлашиш ва айниқса, «Янги давр раҳбари» танловида қатнашиш жараёнида бошқарув борасидаги билимимни анча бойитдим.

Кўрик-танлов якунида институт мутасаддилари директорларнинг иштироки, ютуқ ва камчиликлари борасида фикр билдириб, ғолибларни эълон қилди. Пойтахтимиздаги 162-мактаб директори Нигора Юнусмуҳамедова «Янги давр раҳбари» дея эътироф этилган бўлса, 2-ўрин Нукус шаҳридаги 31-мактаб директори Венера Каленовага, 3-ўрин Қўқон шаҳридаги 1-мактаб раҳбари Нигора Мухторовага насиб этди. Ғолиб ва совриндорларга диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Кўрик-танлов ўтказиш бўйича дастлабки тажрибалар тўпланди, — дейди Шукриддин Пахрутдинов. — Кузатилган камчиликлар бартараф этилиб, бундан кейин ҳам такомиллашиб боради. Кейинги танловларда ҳакамларни четдан жалб этиб, ҳар бир соҳа бўйича мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам ўрганиш ниятидамиз. Келгусида дарс самарадорлигини аниқлаш мақсадида институтимиз тингловчилари савияси, билим ва тушунчаларини текшириш бўйича тест синовларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Ўқув курсларини бошлашдан олдин ва курс якунида имтиҳон олиниб, директорлар дунёқараши, раҳбарлик билим ва кўникмалари бир ой мобайнида қай даражада ошгани ҳамда институтдаги ўқув самарадорлик кўрсаткичи аниқланади.

Ҳозирда Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда яна бир ташаббус — захирадаги истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш курсларини очиш устида ҳам иш олиб борилмоқда. Ҳар бир таълим муассасасида жамоани ортидан эргаштира оладиган ўқитувчилар ишлайди. Раҳбарлик салоҳиятига эга ана шундай кадрларни аниқлаб, таълим самарадорлигини ошириш, молиявий масалалар, меҳнат кодекси, ижро интизоми каби масалалар бўйича билими ва кўникмаларини шакллантириш лозим. Вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ХТМФМТТЭ бўлими тавсияларига биноан ёш кадрлар малака ошириш марказий институтига юборилади. Курс давомида бевосита муассасаларга, ташкилотларга чиқиб, тажрибасини ўрганиш, дарсларга ҳар бир соҳанинг билимдон мутахассисларини жалб қилиш ҳам мўлжалланяпти.

**Ғолиб БАҲРОМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# МАТЕМАТИКА ҚИЗИҚАРЛИ ФАН(МИ?)

## *ёхуд уни ўргатишда фанлараро интеграцияга эътибор қаратиш зарурлиги хусусида*

Ҳаётда фақат битта фан ёки бир соҳани пухта эгаллаш билан катта мақсадларга эришиб бўлмайди. Хусусан, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимиз ҳам бир неча соҳа билимдони бўлишган. Дарс ўтаётганда, билимлар беллашуви, фан олимпиадаси ва бошқа мусобақаларга тайёрлаётганда шу ғояни шогирдларим онгига сингдиришга ҳаракат қиламан.

Ўқувчи нафақат математика фанини билиши, балки мантиқий фикрлаш қобилиятига, математик тафаккурга ҳам эга бўлиши лозим. Айтайлик, бир масала ечимига беш ўқувчи беш усулда ёндашса-да, аммо ҳаммасида натижа тўғри чиқади. Бу уларнинг табиий ҳамда гуманитар фанларни ҳам чуқур ўзлаштиргани, билимини тўғри қўллаб, мантиқий фикрлашидан далолат. Қобилиятли болалар кўп. Баъзан масалани ноёб усулларни қўллаб ечаётган ўқувчиларнинг топқирлиги, изланувчанлигидан қувонаман. Шунинг учун дарсда ҳар бир боланинг математик тафаккурини ривожлантиришга, уларни бошқа фанлардан ҳам яхши ўқишга ундайман. Бу ўқувчида ҳодисаларни аниқ ва асосли талқин қилиш, қийин вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиради.

**Tajriba**

Барча фанлар бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини ўқувчи тушуниб етиши керак. Мисол учун тиббиёт соҳасини, одам организмини олайлик. Ҳар бир аъзо аниқ математик ҳисоб-китоб асосида яратилганки, организмда кечадиган жараёнлар ўта мураккаб ва ўзаро боғлиқ. Буни қуйидаги масалаларда ҳам кўришимиз мумкин:

1. Одам юраги бир дақиқада 70—72 марта уради, 30 сонияда-чи? (70*0,5=35 марта) Ёки 1,5 дақиқада-чи? (70*1,5=105 марта)
2. Нуклеотитлар орасидаги масофа 0,34 ангестримга тенг. 30та нуклеотитнинг узунлигини топинг (30*0,34=10,2 ангестрим).
3. ДНК молекуласининг таркибида 1320та аденин нуклеотити бор. Аденин нуклеотитнинг 33 фоизини ташкил қилганда, ДНК таркибидаги нуклеотитлар сони қанча бўлади (бу масала пропорция усулида ечилади)?

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, биологияга қизиққан ўқувчида ўз ўзидан математикага қизиқиш уйғонади. Фанларни боғлаб дарс ўтиш бошқа фанлардан яхши ўқийдиган, аммо математикага қизиқмайдиган ўқувчиларни машғулотга жалб қилишда жуда қўл келади. Масалан, бир ўқувчи адабиётга қизиқади. Мен унинг дарсдан чалғиётганини пайқасам, яхши кўрган шеърини ўқиб, турокларга ажратиб беришини сўрайман. Дейлик, у Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеърини ёддан айтади:

***Водийларни яёв кезганда,***
***Бир ажиб ҳис бор эди манда.***
***Чаппар урриб гуллаган боғин,***
***Ўпар эдим Ватан тупроғин...***

Сўнг шеърни турокларга ажратади (Во-дий-лар-ни(4) я-ёв кез-ган-да(5) — 4+5=9 каби). Ҳар бир мисрада истисносиз тўққизта бўғин бор ва улар интонация орқали айнан тўрт ва беш бўғин тарзида турокка ажралади. Бу шеърнинг оҳангдорлигини таъминлайди. Шундай экан, ўқувчига математикани билиши адабиётни яхши ўзлаштиришида, асарларни таҳлил қилаётганда аниқ фикрлашга ёрдам беришини ҳам тушунтириш керак.

Айрим ҳамкасбларимиз гоҳида ўз фанининг аҳамиятини кўрсатиш учун бошқа фанларга унчалик эътибор қаратмайди. Бундай ўқитувчи бошқа фанларга қизиқадиган ўқувчилар олидида ўз обрўсини йўқотади. Қолаверса, синфда унинг дарсини хушламайдиган болалар кўпайиши турган гап. Ахир, фарзандларимиз ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиши учун ҳар бир фанни пухта эгаллаши зарур.

**Завра ЭРКАБОЕВА,**
**Қўшработ туманидаги 34-мактабнинг математика фани ўқитувчиси**

**Яқинда укамнинг «Ёшлар» телеканалидаги мультқаҳрамон бола билан бирга инглизча ҳарфларни талаффуз қилаётгани эътиборимни тортди. Тили келишиб қолибди, қолаверса, инглиз алифбосининг анчагина ҳарфини ёд олибди.**

Болалигимга назар соламан... Нечанчи синфдан чет тилини ўрганишга киришганман, инглизча сўзларга қачондан тилим айлана бошлаган? Шуларни ўйлаб, бошланғич синфда ўқиётган укам ва тенгдошларининг инглиз тилини ўрганишдаги ютуқларига завқ билан қарайман.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, мактабларда янги ўқув йилидан 1-синфданоқ чет тилларни ўқитишнинг бошланиши, мактаб, академик лицей ва

# УКАМ ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНЯПТИ

касб-ҳунар коллежларидаги дарслардан ташқари бепул тўгараклар ташкил этилаётганининг аҳамияти каттадир.

Турли муассасалар, жумладан, кутубхоналарда очилган тил ўргатиш курслари илми толибларнинг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. «Ma'rifat» газетасида мунтазам берилаётган «Ўйнаб, сўзлаб ўрганамиз» рукнидаги материалларни алоҳида таъкидлашни истардим. «Тил ва адабиёт таълими», «Бошланғич таълим» журналларидаги чет тилини ўрганишга бағишланган ранг-баранг рукнлар ҳам ўқитувчилар ҳамда болаларга қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

Телевидение орқали берилаётган чет тили сабоқлари эса ҳатто хат-саводи йўқ кичик ёшдаги болалар учун ҳам фойдали. Сўзларни эшитиб, расмдаги аксини кўриб, тўғри талаффузини ёдлаб қолишнинг ўзи ҳам катта ютуқ. Турли ўйинлар, мусиқий апликациялар, инглиз тилидаги мультфильмлар ва шу каби кўплаб қизиқарли лойиҳалар сўзларнинг болалар хотирасида муқим сақланиб қолиши ва тушунишга қулайлиги билан ажралиб туради.

Ҳали мурғаклик чоғиданоқ қулоғига сингдириб борилаётган бу сўзлар ука-сингилларимизнинг кейинчалик чет тилини чуқур ва мукаммал ўрганиб олишида жуда катта кўмак бўлади. Бунинг дастлабки самарасини телевизор қаршисидан кетмасдан кўрсатувларни катта қизиқиш билан кузатаётган укамнинг сўз бойлиги ортиб бораётганида кўраяпман.

**Парвина ОМОНОВА,**
**ТДТУ қошидаги 3-академик лицейи ўқувчиси**

# ИННОВАЦИЯЛАР – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

***Мамлакатимизда олий таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам бу борада муҳим омил бўлди. Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Наманган муҳандислик-технология институтида қатор ишлар амалга оширилмоқда.***

Институтда тўқимачилик, енгил саноат ва матбаа саноати тармоқлари учун машина ва асбоб-ускуналар, кимё-технология, технологик жараёнларни автоматлаштириш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. 2011 йили "Кимёвий технология", "Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси", 2012 йили эса "Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти", "Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш" йўналишлари очилди. Эътиборлиси, ўтган йилдан бошлаб, "Маркетинг", "Маҳсулот сифати ва менежменти", "Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари", "Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш", "Кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари", "Тикув буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш" йўналишлари бўйича магистрантлар тайёрлашга киришилди.

Ёшларга замонавий таълим стандартлари талаблари асосида билим бериш мақсадида институт моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Ўтган давр мобайнида 10 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланиб капитал-реконструкция ишлари амалга оширилди. Айни пайтда бунёдкорлик ишларининг иккинчи босқичи давом этмоқда. Қувонарлиси, спорт зали ҳам мукаммал жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг юқорида тилга олинган қарори институт олимлари ва ёш тадқиқотчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиб, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига кенг татбиқ этиш ҳамда фантаълим-ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилишига туртки берди. Ҳозирги кунда олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорликнинг самарали механизмини йўлга қўйиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилаётир. Институтнинг ихтисослашуви ўзгаришини инобатга олган ҳолда махсус кафедраларда илмий- тадқиқот йўналишлари белгилаб олинди.

Бу ҳақда институтнинг илмий ишлар бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор Рустам Муродов шундай дейди:

— Таъкидлаш жоизки, инновациялар ишлаб чиқариш, техник ва технологик янгиланиш самарадорлиги кафолатидир. Инновацияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишда илмий-тадқиқот ишларининг ўрни беқиёс. Шу маънода яқинда "Маркетинг" кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Козимжон Мирдадаев раҳбарлигидаги "Кичик бизнес субъектларида маҳаллий хомашёдан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш" мавзусидаги лойиҳа амалиётга татбиқ этилди. Унга кўра, вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар тўпланди. Вилоят ва республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги мутахассисларнинг ишлари таҳлил этилди. Кичик бизнес субъектларининг маҳаллий хомашё материаллари, моддий-техника ва молиявий ресурслар билан таъминоти бўйича маълумотлар жамланди. Бунинг учун Фарғона водийси вилоятларида сўровнома-анкета ўтказилди. Вилоятда маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш даражаси аниқланиб, мавжуд муаммо ва камчиликлар ўрганилди. Маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланишдаги нуқсонлар аниқланиб, таҳлил қилинди. Шундан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес субъектларини маҳаллий хомашё материаллари, моддий-техника ва молиявий ресурслар билан таъминлашга қаратилган маълумотлар базаси яратилди. Шу билан бирга, лойиҳа иштирокчилари томонидан 10 дан ортиқ мақолалар илмий журналларда чоп этилди.

Эътиборлиси, техника соҳасида бир неча лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, пахта тозалаш саноати учун таклиф қилинган "Вертикал тозалагич" қурилмаси пахта хомашёси таркибидаги турли майда ифлосликларни ажратиб олиш учун ишлатилади. Қуритиш барабанидан келган пахта тебранма тўрли юзада майда ифлосликлардан тозаланади. Тўрли юзалар бир-бирига нисбатан перпендикуляр ўрнатилганлиги боис пахта бўлаклари кейинги тўрли юзага ағдарилиб тушади ва толанинг табиий хусусиятларини сақлаган, чигитга шикаст етказмаган ҳолда майда ифлосликлардан тозалаш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбарининг "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан 2012 йилда институт профессор-ўқитувчилари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан эълон қилинган амалий лойиҳалар танловида иштирок этиб, унда 4та лойиҳа ғолиб деб топилди. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 145 миллион сўмни ташкил этиб, улар асосан вилоятдаги энг долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Масалан, "Пахта тозалаш заводларида тола сифатини яхшилаш ва миқдорини ошириш мақсадида чигитдан толани ажратиш жараёнини жин машинаси элементларининг янги конструкциясини яратиш йўли билан такомиллаштириш" мавзусидаги илмий-тадқиқот иши бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, бу лойиҳада пахта тозалаш заводларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида жин машинаси ишчи камерасида ҳосил бўладиган хомашё валигининг айланишини тезлаштириш учун унинг ён томонига айлантиргичлар ўрнатиш таклиф этилган.

"Қуёш энергиясидан фойдаланиб чигитли пахтани қуритиш қурилмасини яратиш" лойиҳаси бўйича ҳам чигитли пахтани қуритишдаги мавжуд усул ва техника-технологияларнинг афзаллиги ва камчиликлари, олимлар томонидан бажарилган илмий ишларнинг натижалари таҳлил қилинди, янги қурилманинг афзалликлари аниқланди. Таклиф этилаётган қуёш батареясидан фойдаланиб чигитли пахтани қуритиш қурилмасига Давлат патентини олиш учун талабнома юборилди ва қурилманинг тажриба нусхаси тайёрланиб, дастлабки синовлар ўтказилди.

"Пахта чигитини аэродинамик усулда саралаш технологиясини такомиллаштириш" мавзусидаги лойиҳада 10 нафар илмий ходим иштирок этмоқда. Янги аэродинамик саралагич қурилмаси пахта тозалаш корхонасига жорий этиш учун тайёрланди.

Шу йилнинг февраль ойидан бошлаб институт илмий ходимлари Зулфия Мамадалиева ва Елена Тадаева томонидан республикамиз бўйича биогаз технологиясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш мақсадида тайёрланган "Наманган вилоятида иссиқхона ва таълим муассасаларини биогаз ёрдамида иситиш ва ёритиш" мавзусидаги лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал экологик жамғарма кичик грантлар Дастурининг Ўзбекистондаги миллий координатори томонидан маъқулланди. Шу лойиҳа орқали вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларига муқобил энергия манбаи бўлган биогаз қурилмаларини ўрнатиш амалиёти ва услубиёти ишлаб чиқилди. Бу лойиҳанинг яна бир хусусияти шундаки, ойл ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчиларда муқобил энергия ҳақида қизиқиш уйғотиш мақсадида махсус ўқув курслари ташкил этилади.

Айни кунда юқоридаги Дастур бўйича "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари технологияси" кафедраси доценти Авазбек Мерганов илмий раҳбарлигида "Ерларни лазер нивелери ёрдамида текислаш" мавзусидаги лойиҳа Мингбулоқ тумани фермер хўжаликларида амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири экин майдонининг текисланишидир. Ерларни текислашнинг ноанъанавий, янги усулларидан бири бўлган лазер нивелиридан фойдаланиш туфайли далада суғориш сув сарфи 15—20 фоизга тежалади. Бегона ўтлар миқдори 10—12 фоизга камаяди. Энг муҳими, дала майдони бир хил намлик билан таъминланишидир. Шунингдек, уруғларнинг унувчанлиги ва ўсимликларнинг озуқа моддалар билан таъминланиши яхшиланади. Сувдан фойдаланиш самарадорлиги 25—30 фоизга ошиши, ҳосилдорлик ўртача 5—7 центнерга, иқтисодий самарадорлик 10—20 фоизга кўпайиши илмий асосларда исботланган.

"Умумтехника фанлари" кафедрасининг доценти Азамат Боймирзаев Италиянинг TWAS the academy of sciences for the developing world фондининг грантини қўлга киритди. Бу грант ёрдамида институтга 30.000 АҚШ долларига тенг қийматдаги кимё храмотография анализларини ўтказиш учун мўлжалланган лаборатория олиб келинди.

Наманган муҳандислик технологиялари институти олимлари Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент кимё-технология институти билан инновацион коорпоратив ҳамкорлик асосида Тўрақўрғон туманидаги "Улуғбеклар" фермер хўжалигида 10 гектар ер синов-тажриба майдонини ташкил этиб, унда топинамбур ўсимлигининг "Файз-барака" ва "Мўъжиза" навлари парвариш қилинди. Наманган вилоятидаги мавжуд шароит ва имкониятларни эътиборга олган ҳолда топинамбур ўсимлигининг уруғчилик базасини барпо этиш, унинг меваси ва поясини қайта ишлашни ташкил этиш ва фармацевтика ҳамда қоғоз ишлаб чиқаришда керакли моддаларни олиш мақсадида инвестицион ва инновацион лойиҳалар дастури ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритишга қарор қилинди. Ҳозирги кунда топинамбур ўсимлигидан 500 тонна атрофида илдизмева ва 300 тонна поя маҳсулотлари етиштирилиши кутилмоқда. 300 тонна поя маҳсулотидан 75 тонна целлюлоза тайёрлаш мақсадида Наманган шаҳридаги "Наманган қоғози" МЧЖ корхонасига етказиб бериш режалаштирилди.

Тўқимачилик дастгоҳлари ишчи органларининг самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг бирлигини тақсимлайдиган параметрлар аниқланмоқда. Тўқимачилик саноати чиқиндиларини қайта ишлаш технологияси яратилди.

## *Qaror va ijro*

Шу ўринда ёш олимларнинг инновацион лойиҳалари хусусида ҳам маълумот бериб ўтсак. "Технологик машина ва жиҳозлар" кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, доцент Авазбек Обидов раҳбарлигидаги "Пахта хомашёсининг тозалаш машиналари ишчи қисмлари билан ўзаро таъсирини назарий тадқиқ қилиш ва "юмшоқ режим"да тозалашни таъминловчи омилларни оптималлаштириш" мавзусидаги лойиҳа амалга оширилган. Маълумки, пахта тозалаш корхоналари технологик жараёнидаги машиналарнинг барчасида пахта механик таъсирларга учрайди. Шунинг учун пахтани тозалаш машиналарига, айниқса, майда ифлосликлардан тўла тозалаш билан бирга технологик жараёнда ишлаётган машина ишчи органлари томонидан пахтага бериладиган механик таъсирларнинг олдини олиш сингари вазифалар қўйилмоқда. Шу сабабли ҳозирги кунда пахта тозалаш техника ва технологиясини такомиллаштириш орқали сифат кўрсаткичларининг яхшиланишини таъминлаш борасида фойдали изланишлар олиб бориш талаб этилмоқда.

Ҳозирга қадар кўплаб тадқиқотчилар бу соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. Лекин пахта хомашёсига тозалаш машиналарининг кўрсатаётган таъсири назарий томондан математик қонунларга суянган ҳолда чуқур ўрганилмаган. Кўплаб илмий тадқиқотчилар томонидан аниқланишича, тола сифатини оширишга пахтани қайта ишлаш жараёнида унга таъсир этувчи механик таъсирларни камайтириш орқали ҳам эришиш мумкин экан. Пахтани ташиш ва тозалашга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш натижасида мазкур лойиҳада хомашё ҳолати, тола ва чигитнинг сифат бузилиши сабаблари ўрганиб чиқилди. Вилоятдаги пахта тозалаш корхоналарида ишлаётган тозалаш машиналарида пахтага ишлов бериш вақтидаги механик таъсирлар назарий жиҳатдан ўрганилди. Таъсирлашаётган юзаларда зарба кучларини аниқлаш ва пахтанинг шикастланиш ҳолати математик йўл билан тадқиқ қилинди. Пахтага кўрсатилаётган механик таъсирларни камайтириш мақсадида тозалаш машинасининг технологик параметрлари оптималлаштирилди. Янги назарий тавсиялар бўйича услубий қўлланма яратилди.

Рустам Муродовнинг таъкидлашича, ҳар бир кафедрада унинг ихтисослашувига мос бўлган замонавий мутахассислар тайёрловчи етук профессор-ўқитувчи, мустақил тадқиқотчи, катта илмий ходимизланувчи, иқтидорли талабалар ва тегишли ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари таркибидан иборат инновацион гуруҳлар шакллантирилган ва ишлаб чиқариш билан икки томонлама имзоланган шартномалар асосида фаолият йўлга қўйилган.

**Оқилхон ДАДАБОЕВ,**
**Ғанишер АКБАРОВ**

*Наманган вилояти*

## 9-may — Xotira va qadrlash kuni

# БУ ВАТАН ЭЗГУЛИКЛАР ОШИЁНИДИР

### уни бир тану, бир жон бўлиб асрамоқ керак!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эътибор қаратайлиг-а, тарихда даҳшатли из қолдирган Иккинчи жаҳон урушининг ўзида 1,5 миллион юртдошимиз иштирок этган бўлса, улардан тахминан 500 минг нафари ҳалок бўлган. Бу рақамлар ортида эса жувонмарг бўлган жонлар, онаизорларнинг уйқусиз тунлари, кўз ёшлари, армонлар, аламлар, ғаму андуҳ ила ўтиб кетган умрнинг гўзал фасллари, оталар йўлига интизор болалик, гўшангаларда сарғайиб сўлган... ёшлик бор. Буларни унутмоқ эса мумкин эмас! Ўзбекистоннинг юраги бўлган Тошкент, вилоятлар марказларининг аксариятидаги хиёбонларда Мотамсаро она ҳайкаллари бор — бу санъат асарлари шунчаки бунёд этилган эмас. Бу ўтмишга, ўтганларимиз руҳига улуғ ҳурматнинг изҳори, шу изҳорни авлодлардан авлодларга узатмоқлик фарзининг тасдиғи, таъкидидир. Юқорида зикр этилган саволга қайтсак, кеча ота-боболаримиз тинч-осойишта турмуш кечирмоқ орзуси, Мустақилликка эришмоқ нияти билан яшадилар, курашдилар, керак бўлса жонидан кечдилар. Биз эса неки муваффақиятлар, қалбимизни сурурга тўлдирувчи бахтиёрликка эришган бўлсак, уларнинг барчасини юртимизда тинчликнинг барқарорлиги, Истиқлол йилларида инсон манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан изоҳласак муболаға бўлмас!

Ҳаёт ўз изида давом этар экан, йиллар бир-бирига қўл узатиб, даврлар, даврларни бир-бирига йўл бериб тарих яратаверади. Лекин ҳар бир йил, ҳар бир давр, ҳар бир тарихнинг ўз сабоғи, битиклари бор. Улардан тўғри хулоса чиқара билмоқ учун эса тафаккур ва дунёқараш етуклиги қалбнинг ўткир нигоҳи бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда нафақат умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим соҳалари ривожи, балки болалар спорти, мусиқий таълим, мактабдан ташқари таълим масалаларига ҳам эътибор долзарб вазифалар қаторига киритилди. Давлат ғазнасидан ушбу тизимлар фаолиятини ривожлантириш, моддий-техник базаларини мустаҳкамлаш учун катта-катта сармоялар ажратилаётир. Нега? Ҳатто маҳаллий ҳокимликлар ҳам, кези келганда, халқ хўжалигининг кўз илғамас ташвишу талабларини бир ёнга суриб таълим-тарбия ишининг сифат ва самарадорлиги хусусида бош қотириш учун масъул саналаётир. Чунки Ватан равнақи йўлидаги кечаги саъй-ҳаракатлар, бугунги меҳнату шижоатларни қадрига етиб, буюк келажакни бунёд этувчи, Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, «Бугунги ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кираяпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман» дейишга муносиб авлодни сафларга қўшмоқ орзуси билан яшаяпмиз. Шу ўринда айтиб ўтмоқ керакки, қадрни ҳис этмоқ учун хотира не эканини англамоқ керак:

**Хотира** бир даста гул ёхуд бир бора қилинган йўқлов, бир соатлик дарс ёки ташкил этилажак давралар билан бажариладиган вазифа эмас! Ўйноқ юрак, зийрак тафаккур, сергак нигоҳ ила ҳар куни лоақал бир сония сукутга чўмиб, «Эй одамзод, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар!» дея ўзни имтиҳон этмоқ, замондошларимиз, фарзанду шогирдларимиз кўнглига-да шу туйғуни жо этишга уринмоқ ила **Хотира**нинг ҳаққига муносиб жавоб қайтара олмоқ мумкин. Ўзбекистон эзгуликлар бешиги, ошиёнидир. Шу маънода бу нурли гўша эртага ҳам, индинга ҳам аслини, асиллигини сақлаб қолмоғи учун ҳар куни боламиз, ўқувчимиз, набирамизга яхшиликнинг биттагина уруғини сочмоқни ўргатайликки, у келажакда шириндан ширин мевалар тутсин.

Бир бора мушоҳада юритайлиг-а, уруш қатнашчилари ва ногиронларини юрт раҳбарининг фармонига кўра рағбатлантириш, кекса нуронийлар вакилларини ҳукуматнинг юксак унвонлари билан тақдирлаш, аёл зотига эҳтирому эзоз кўрсатиш, халқнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсадида йилларни номлаш... сингари гўзал ва бетакрор амаллар қайда бор?! Ўтмишда фақат тўрт девордан нарини кўрмайин ўтган ўзбек аёли бусини топмоғи лозим. Биз аждодлар меросини кўзларга тўтиё этиб, руҳларини шод этаётганимиз ёшлар учун мактаб бўлсин, ўчмас сабоқ бўлсин!

**Қадр** ҳақида ҳам боз-боз сўз айтмоқ керак:

**Қадр** — ўхшатиш ила таърифламоқ бўлсак, унинг ҳаққи бобонг эккан дарахт соясида соялаб, неъматларин тановул этиб, меҳрибонинг номин ёд этганинг билангина адо этилмагай. Токи бу дарахтни дилдан парвариш этиб, ёнига бир ниҳол ўтқазмагайсан, балки янада тотлироқ, сербарокат навлари устида бош қотирмагайсан, фарзандинг бундайин аҳдларинг кўриб, қаяжон ила кўмакка қўл чўзмас экан, ҳали англамабсан **Қадр ҳаққи**ни! Ёки устозинг бошлаган илмий изланиш сенинг уринишларингда давом этмаса, хизматинг-ла юрт юкини енгиллаштириб, амалий исботин топмаса, **Қадрламоқ** бобида нўноқсан инон! Сенга отанг, онанг, оғанг, устозинг — аждодларинг қилган хайрли, шарофатли ишлар, улардан қолган яхши ном қанчалар ғурур, ифтихор, қуввату куч ато этса, билгинки, боланга ҳам ана шу шарафни узатмоқ қарзинг бор. Шунда биз сўзимиз ибтидосида тилга олган ҳаёт ҳалқаси мустаҳкам бўлади. Шону шарафлари бардавом бўлади бу она диёрнинг!

**Табиатнинг оддий қонунлари бор — бугун атак-чечак қилган болажон улғайганин баъзан сезмай қоламиз. Аммо оқил ва донороқ бўлиб биз, катталар унинг камолга етганини, ёши, бўйи бирла ақлу заковати, яхшиликлар қилишга рағбат ва истаги, қодирлиги ва қуввати ҳам баробар улғаймоғига мададкор бўлайлик, йўл кўрсатайлик. Зеро, ўзгалар, дардини сезмаган қалбга, эртага шу дарднинг илашмоғи нақд!**

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида Ўзбекистон тақвимидан ўрин олганида шунчаки бир байрамона сана билан йилларни безаш эмас, кўнгилларни зийнатлаш ҳикмати жамдирким, уни уққан сари юраклар тозариб, тилаклар ушалаверади.**

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

**Бухоро шаҳридаги «Кўксарой» маҳалласида фарзандлари ардоғида яшаётган онахон Олия Аҳмедованинг хонадони бугун байрамона шукухда.**

# ОНАХОННИНГ ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИ

Боиси ҳудуддаги 16-умумтаълим мактабидан бир гуруҳ ўқувчилар ўқитувчи Назира Абдувоҳидова раҳбарлигида 1942—1945 йилларда фронтда ҳамширалик қилган О.Аҳмедовани йўқлаб келган. Одобли, билимли, ғайрати, завқи зўр ўғил-қизлар сўҳбатидан, меҳмонхонани тўлдирган гулдасталар ифоридан онахоннинг боши кўкда.

Олия опа ўз хотираларини сўзлаб берар экан, ёшларни бугунги осуда ва фаровон кунларнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга, пухта билим олиб, бўлажак касб-кори билан Ватан равнақи, осойишталигига муносиб ҳисса қўшишга даъват этди.

***Суратда: бухоролик онахон Олия Аҳмедова хонадонида.***

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.**

# «УСТОЗ, БИЗ СИЗНИ КУТАМИЗ»

### Bo'lgan voqea

Қишнинг кумуш ранг тонги, эт жунжикади. Чилланинг айни авжи эмасми, ҳар тарафдан урилаётган изғирин шабада одамнинг ўй-хаёлларини тўзғитиб юборади. Ўқувчилар даврасига, жонажон мактабига йиллар мобайнида ҳар куни отланган Назира опа бундай аччиқ қисматни хаёлига келтирмаган. Нима бўлди-ю, у қаҳратон қиш кунларидан бирида тоби қочиб ётиб қолди. Иссиқ жонинг иситмаси-да, илгари унча-мунча оғриб-нетиб қолса, мактабга, ўқувчилари даврасига ошиқмаган-ошиқган эди. Бу галги безовталик уни тамоман ётқизиб қўйди, юришга ҳам мадори қолмади, шифокорга боришга мажбур бўлди. Терапевт касаллик анкетасини варақлаб чиқар экан, хавотирли оҳангда сурункали касалликлар ўз кучини кўрсатиб қўйганини айтди. Зарурий муолажаларни ёзиб берса-да, муаллима шифокор кабинетидан руҳсиз алфозда чиқди. Гарчанд дорихонадан керакли дориларни харид қилиб, муолажа бошласа-да, аҳволида ўнгланиш сезилмасди. Аёл кундан-кун оғирлашиб борар, фақат ўлим шарпаси кўзига кўринар, аммо ҳаёт ширин, яқин инсонларини, ҳамкасбларини, энг муҳими, дарс бераётган ўқувчиларини ташлаб кетгиси келмасди.

Тонг отди, яна бир умидли кун. Элас-элас қулоғига болажонларнинг шовқин-сурони эшитилди. Бемор сергак торди, ким бўлдийкан улар? Таниш, жуда таниш овозлар... Кечаси билан мижжа қоқмаган муаллиманинг киприклари бир-бирига жуфтлашса-да, бутун иродасини ишга солиб, кўзларини катта очди. Ҳовлида энг шўх ва билимдон ўқувчиси Севинчбекнинг қадам товушини сезди. Назирахон сергакланди, юраги ҳаприқиб кетди. Ўрнидан туришга чоғланди, аммо унга кўзқулоқ бўлиб турган опаси Ўғилой қайтадан ўрнига ётқизди:

— Қўзғалма, жон сингилим, қўзғалма, унинг тинчини ўйлаб шундай деди. Аммо Назирага бутун олам ёришиб кетгандек туюлди. Ахир, уни ўқувчилари йўқлаб келишибди, меҳр-оқибат, қадр-қиммат, умуман, барча инсоний фазилатлар ҳақида уларга берган сабоқлари, панд-насиҳатлари бежиз кетмабди. Қанчаданқанча ўқувчиларга дарс билан бирга ҳаёт сабоқларини бермади дейсиз. Шу тобда унга талпинаётган Севинчбек тимсолида гўёки минглаб ўқувчиларини бағрига босаётгандек эди.

Муаллима опасининг ҳай-ҳайлашига қарамай, яна тўшакдан кўзғалди. Нега энди у билан диддорлашишга келган, меҳрини қўшқўллаб унга тутқазаётган ўқувчиларининг кўкрагидан итариши керак? Ўғилойнинг қойишлари кор қилмай туриб, болалар ҳам ёпирилиб, муаллима ётган хонага бостириб киришди. Элёр, Ёркиной, Дурдона, Севинчбек, санасангиз, бир талай. «Устоз, яхши бўлиб қолдингизми?», «Устоз, сизга нима бўлди?», «Қачон ишга чиқасиз?» «Синфимиз тадбирларда фаол иштирок этолмаяпти», «Тезроқ соғайиб чиқинг»... Саволлар дўлдек ёғилар, Назирахон қайси бирига нима деб жавоб беришни билмасди. Кўзларида ёш айланди.

— Ўзимнинг ширинтойларим, шунақа бўлиб қолди, худо хоҳласа, тез кунда оёққа тураман, мана, мени кўришга сизлар келдингиз, ана шунинг ўзи менга катта дармон, — деди Назирахон.

Шатир-шутур муаллиманикига кириб келган болакайлар яна шу алфозда чиқиб кетишди. «Устоз, биз сизни кутамиз, тезроқ мактабга қайтинг!» деган хайрлашув муаллимага қандайдир далда бағишлади. Аммо кечга бориб, «Нега болаларга ваъда бердим, мабодо тузалмасам-чи?» деган ваҳимали ўй яна хаёлида айлана бошлади... «Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, мен ўқувчиларим даврасига қайтишим керак! Ахир, уларни 5-синфга чиқармасдан ора йўлда қолдирсам, нима бўлади?» деган қатъий истак пайдо бўлди.

Яхши ният — ярим давлат. Эл суйганни эгаси суяди, деганларидек, Аллоҳ Назирахоннинг орзусини рўёбга чиқарди. Муаллима кўп ўтмай, дарддан фориғ бўлиб, касаллик варақасини ёптиргани поликлиникага чиқди. Мана, у яна қадрдон мактабида, азиз ўқувчилари даврасида, уларни 5-синфга севинч ёшлари билан кузатиш арафасида. Мактаб раҳбари яна 25 нафар ўғил-қизни унга топширажагини айтди. Йўқ деб бўлармиди? Назирахон жажжигина болаларни галма-галдан бағрига босиб қабул қилар экан, мактаб деган қутлуғ даргоҳ муаллимларни эл ичра азиз ва мукаррам қилишига, эҳтимол, юзинчи ёки мингинчи марта иймон келтиргандир.

***

— Ҳақиқатан ҳам ўз дилбандларимдек бўлиб қолган ўқувчиларим мени хаётга қайтарди, — дейди Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 11-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Назирахон Жуманова. — Муаллима учун бундан ортиқ бахт йўқ.

**Гўёхон ТОПИБОЛДИЕВА.**
Андижон вилояти Улуғнор тумани

# ЮЗ ЁШЛИ МУАЛЛИМ МУРОДИ

17 минг аҳоли яшайдиган Қоратепада юз ёш билан юзлашган бу киши етмиш набира, ўн чевара, беш эваранинг бобоси. Ҳар душанба куни бўладиган Қоратепа бозорини Эшмурод бобо қора эшагини миниб оралайди. Ўзига керакли бозорликлар қилади. Ҳали ҳам зиғир ёғидан ош ейди. Шакар қишлоғининг аксарияти Эшмурод бобони яхши танийди. Бундай табаррук боболарни зиёрат қилмоқ, икки оғизгина муборак сўзини эшитмоқ қарияларни қадрлаш ва ҳурматини жойига қўйишгина эмас, балки меҳр-муҳаббат, эъзоз нима эканини англаш мактаби ҳамдир.

### Мактабдан ҳайдалиш...

— Учинчи синфда ўқиётганимда, — деб гап бошлади Эшмурод бобо. — Муаллимамиз «Эшмурод Фармонов ким?», деб сўради. Унинг кўзларидан нафрат ўқлари отиларди. Ўрнимдан турдим. «Мен» дедим-у, балога қолдим:

— Сен қулоқнинг боласисан. Отанг Бобоёров Фармон, жуда катта бойлардан экан. Бу жамиятда бой бўлиш мумкин эмас. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» шиори остида олға қадам ташлашимиз лозим. Орамизда бойваччаларга ўрин йўқ! — деди. Менга ўшқирди: — Сен мактабдан ҳайдалдинг. Қулоқнинг боласига мактабда ўрин йўқ! Чиқ, йўқол!..».

Дунёда бундай хўрликлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин экан. Бир куннинг ўтиши жуда қийин эди ўша пайтлари. Бировларнинг молини боқиб, эшигига термулиб қаттиқ азобли, заҳар-заққумли кунларни бир амаллаб ўтказдик...

Эшмурод бобо нигоҳларини бир жойга қаратганча ўтган кунларини бирма-бир хотирларди.

— Отам раҳматли жуда ҳисобдон одам эдилар. Бирни ўнгга, ўнни мингга уриб кўпайтириш, савдо ишларини жуда яхши биларди. Шўролар келди-ю, отамнинг шўрига шўрва тўкилди. Ҳовли хатланиб, отам қамоққа олинди. Унга нон, сув бермай, оч-ялангоч ҳолда зуғум қилиб олти ойда ўлдиришди. Одам бобўлди, «Анави эчкини ушла!», дерди. Отамга «қулоқ» тамғаси босилгач, ундан саховат кўрган ўша одамлар мен билан баравар йиғлаб қолдилар. Улар менга далда бериб, рўзғоридаги борини биз билан баҳам кўришди.

### Саводхонлик сари

Мен тенгиларнинг орзуумидини Оллоҳ таоло эшитган бўлса керак, «Саводсизликни тугатиш мактаби (курси)»да ўқиб саводимни чиқардим. Лекин, барибир, юрагимнинг туб-тубида қанмадайдир кўрқув булутлари кезар, «Қулоқнинг боласи» деган тамға соя солаверарди. Муаллимларнинг кўпчилиги кўз қири билан қарар, гўё мен ашаддий душману, ҳозир уларни бир ёқли қиладигандек муомала қилишарди. Синфдошларим эса жуда меҳрибон эди. Бири этик, бири эскирган кўйлак-иштонларини берарди. Қанчалик қийин бўлмасин, ўқишни тугатиб, гувоҳнома олишга эришдим.

1939 йили армияга кетдим. Одесса шаҳри яқинидаги бир қисмда хизмат қилардим. Бир йил ўтмай, уруш олови аланга олди. Мендаги уруш хотираларининг ўзи бир китобга сиғмайди. Олти йил урушда қатнашиб, 1946 йили она қишлоғимга қайтдим. Хўжалигимизда урушдан қайтганлар сони ўша пайтда икки юздан ортиқ эди. Мана, ҳозир Қоратепа қишлоғида Ҳусанов Нурқобил билан иккимиз қолдик.

### Илм излаган — етар муродга

Илмга бўлган иштиёқ мени Бухородаги педагогика олий таълим муассасасига етаклади. У ерни 1950 йили тугатиб, Чироқчи туманига ишга келдим. Мени Зум қишлоғига жўнатишди. Бу қишлоқ болаларига 15 йил дарс бердим. Кейин ўз қишлоғимга қайтиб, дарс беришда давом этдим.

Дунёда энг ҳалол ва покиза нон — муаллимнинг нонидир. Чунки у яхшининг боласига ҳам, ёмоннинг боласига ҳам, шоҳнинг боласига ҳам, гадонинг боласига ҳам бир хил таълим-тарбия беради. Муаллим ҳар куни билимини чархлаб, фан ва дунё янгиликларидан хабардор бўлиб бориши керак. Агар у китоб ўқимаса, бола ҳам ўқимайди. Муаллимнинг сўзи бола қалбига ниҳолга сув қуйгандек сингиб кетса, ана шунда натижага эришади. Муаллимнинг муродга етгани ҳам ана шудир.

### Оила — бахт нури

Олий таълим муассасасини тугатгач, раҳматли Ойзия Норқобилова билан турмуш қурдик. Беш нафар фарзанд кўрдик. Тошбиби, Хонбиби, София, Сония исмли қизларим бор. Улар ўз оиласида, оила бахти, ободлиги ва фаровон турмуш кечириш учун ҳалол меҳнат қилишмоқда. Ўғлим Олломурод эса олий маълумотли муҳандис. Тошкент политехника институтини битириб, Чимқўрғондаги касб-ҳунар коллежида ўн беш йил ишлади. Кейин хўжаликда муҳандис бўлди. Уч ўғил, уч қизи бор. Қизлари ўқитувчилик касби этагидан тутишган. Ўғиллари эса тадбиркор...

— Уларнинг ишидан Ватан обод бўлаяпти, турмуши обод бўлаяпти, — дейди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, II гуруҳ ногирони Эшмурод бобо Фармонов, оиласидан, болаларидан кўнгли тўқлигидан мамнун бўлиб. — 1994 йили Президентимиз фармонига кўра, «Жасорат» медали билан мукофотландим. Мустақилликка эришгунимизча кўнглимнинг бир бурчагида кемтиклик, синиқлик бор эди. Бугунги озод ва обод Ватанда ана шу кемтиклик тўлди. Энди ҳаётда армоним қолмади.

**Саодатли ОСТОНА**
Қашқадарё вилояти

## Jurnallarning yangi sonlarida




# МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ФАОЛИЯТИНГИЗГА ҚЎМАКЧИ

Ҳурматли халқ таълими ходимлари! «Таълим тараққиёти» ахборотномаси ўз саҳифаларида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муҳим меъёрий ҳужжатларни эътиборингизга ҳавола қилишда давом этади.

Ахборотноманинг 2013 йил 2-сонида Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 23 февралдаги «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни халқ таълими тизимида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 65-сонли қарори ҳамда бу дастурда кўрсатилган тегишли вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Халқ таълими вазирлигининг Тармоқ дастури берилган.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан «Халқ таълими тизимида «Китобхонлар байрами» тадбирини ўтказиш бўйича Низом тасдиқланди. Ушбу тадбир доирасида таълим муассасаларида «Адабиёт кунлари», «Китобим — офтобим» номли маданий-маърифий тадбирлар, «Энг яхши китобхон ўқувчи», «Китобхон мактаб» танловлари, «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» хайрия тадбири ва ота-оналар ўртасида «Бир фарзандга — уч китоб» акцияси ташкил этилиши кўзда тутилган. Ахборотномада ушбу тадбир ва танловларнинг Низомлари берилганки, бу меъёрий ҳужжатлар ушбу танловларда қатнашмоқчи бўлган таълим муассасаларига тегишли йўриқлар бериши шубҳасиз.

Вазирликнинг 19 февралдаги «Китобсеварлар» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги 57-сонли буйруғида белгиланган вазифаларда ўқувчилар маънавиятини бойитишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Энг обод таълим муассасаси» кўрик-танловига тайёргарлик кўраётган муассасалар ХТВнинг 5 мартдаги «Таълим муассасаларида ободонлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғидан тегишли йўл-йўриқларни олишлари мумкин.

Халқ таълими ходимлари меҳнат фаолиятлари давомида зарур бўладиган меъёрий ҳужжатларни «Таълим тараққиёти» ахборотномасидан топишлари мумкин.

**Т.САЛИМОВ**

# СИЗ ҲАМ МАҚОЛАНГИЗНИ ЖЎНАТИНГ

Тил билган — эл билади, дейди халқимиз. Фарзандларимизнинг чет тилини ўрганишга бўлган қизиқиши давомийлигини таъминлаш бугунги кунда инглиз тили дарсларини турли ноанъанавий усуллар билан олиб боришни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, ўқувчи-ёшларни мустақил ишлашга ундайдиган, шу орқали мавзуни яхши ўзлаштиришга кўмак берадиган, ўзаро алоқага киришувини таъминлайдиган турли ўйин, мусобақалар, театрлаштирилган дарс, ижодкорлик дарслари, интерфаол усулдаги дебатлар тартибидаги инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш имконини беради.

«Тарбия» журналининг 2013 йил 2-сонида эълон қилинган «Инглиз тили фанидан ноанъанавий ўйинлар» сарлавҳали мақолада(муаллифи Г.Раҳмонова) ана шундай ўйинларнинг бир нечтаси ўқитувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Тошкент шаҳридаги 52-оилавий поликлиникининг болалар шифокори З.Ортиқованинг «Болангизнинг иштаҳаси йўқми?» мақоласида ёш оналар учун керакли маслаҳатлар берилганки, бу бошланғич синф ўқитувчилари учун ҳам фойдалидир.




Республика болалар кутубхонаси ходими Б.Иброҳимовнинг «Замонавий технологияларнинг ёшлар онгига таъсири» мақоласида мутахассис томонидан ёшларни бу борадаги хавфдан асрашнинг бир неча усуллари тавсия этилади.

Тошкент давлат педагогика университети доценти З.Мамаражабова эса, ўз мақоласида эшитишида нуқсони бўлган болаларни жисмоний тарбиялаш борасидаги самарали йўллар ҳақида фикр юритган.

Ҳурматли муштарийлар! Журналимизда Сиз ҳам ўз ижодий ишларингиз, тажрибаларингиз ёритилган мақолалар билан қатнашиш имкониятига эгасиз.

**Ш.НИШОНОВ**

# ТАЖРИБАНГИЗНИ ЎРТОҚЛАШИНГ

«Таълим менежменти» журнали саҳифаларида халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг бошқарув фаолиятига кўмак берувчи материаллар бериб борилаётганидан хабардорсиз. Бугунги таълим муассасаси раҳбари, албатта, замонавий технологиялардан бохабар бўлиши шарт. Ҳар бир раҳбар бу борадаги билимини кун сайин ошириб бориши ҳам замон тақозоси. Журналнинг 2-сонида эълон қилинган Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори Ш.Эргашевнинг «Раҳбар ходимлар фаолиятида ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти» мақоласи бу борада раҳбар ходимлар фаолиятига кўмак беради. Таълим мазмунидаги ўзгаришлар, янгиликларни фаолиятига татбиқ этишни истаган раҳбар ходимларга Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ «Таълим муассасаларини бошқариш» кафедраси мудири А.Бахромовнинг «Раҳбар ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълими мазмуни янгиланиш йўлида» мақоласини ўқиш тавсия этилади. Республика илмий-педагогик кутубхонаси бўлим мудири Р.Ратнернинг «Умумтаълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини бошқаришнинг ўзига хосликлари» мақоласида ҳам раҳбар ходимлар учун бир неча долзарб мавзулардаги тавсиялар берилган. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази «таълимнинг мазмуни ва сифатини тадқиқ этиш» лабораторияси мудири М.Сагатованинг «Бошқарув функциялари: узоқ, ўрта ва қисқа муддатли режалаштириш» мақоласида таълим муассасасини бошқаришнинг уч хил ёндашувига илмий таърифлар берилади. Бу ёндашувларни ҳар бир таълим муассасаси раҳбари билиши ва қўллаши ютуқлар замири экани таъкидланади.

Ҳурматли таълим муассасалари раҳбарлари! Сиз ҳам ушбу журнал орқали ўз ютуқ ва тажрибаларингизни ўртоқлашишингиз мумкин. Сизнинг тажрибангиз ёш раҳбарлар фаолиятига, албатта, ёрдам беради.

**Б.АКРАМОВ**

# ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАРМОҚЛАР

## *мамлакат ривожининг асосий омили*

Fikr

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси ислоҳотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш талаб этилади. Айтиш жоизки, мамлакат тараққиёти энг аввало, иқтисодиётининг рақобатбардошлиги билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, таркибий ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтиришга олиб келувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Республикамизда олиб борилган изчил иқтисодий таркибий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида ижобий сифат ўзгаришлари рўй берди. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу улуш 24,1 фоизга етди. Шунингдек, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши шу даврда 8 фоиздан 14 фоизгача кўтарилди. 2012 йилда бу кўрсаткичлар янада юксалди. Ушбу тармоқларнинг ЯИМдаги улуши ортиши солиқ юкининг камайтирилиши, бу тармоқларга инвестициялар устувор тарзда жалб қилиниши, йирик лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида рўй берди.

Ҳозирги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда уларнинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, имтиёзли кредитлар ажратиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ имтиёзлари бериш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотига бўлган ички талабни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва таркибини диверсификациялаш натижасида бир қатор ютуқларга эришилдики, бунинг эътирофини 1991-2011 йиллар давомида экспорт ҳажмининг деярли 34 мартага ошгани; экспортнинг пахта толасига боғлиқлигининг барҳам топгани ва бунинг натижасида экспорт таркибида улуши 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2011 йилда 9 фоизгача қисқарилишига эришилгани; умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар улуши 1990 йилдаги 30 фоиздан 2011 йилда 72 фоизгача ошгани; фақат охирги 10 йил мобайнида енгил автомобиллар экспорти 7,6 марта, йигирилган ип – 4,7 марта, трикотаж мато —15,6 мартагача, минерал ўғитлар экспорти – 11,7 мартага ошишига эришилганида кўриш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, миллий маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорларидаги рақобатдошлигини таъминлаш, шу асосда экспорт ҳажмини сезиларли даражада ошириш мавжуд соҳа ва тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида модернизациялашни тақозо этади. Айни пайтда, жаҳон бозоридаги эҳтиёж ва талабнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётимиз таркибий тузилмасини такомиллаштириш эвазига янги, замонавий тармоқларни барпо этиш ва жадал ривожлантириш ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган иқтисодиёт тармоқларини яратиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

**Тимур РАҲИМОВ,**
**ТДИУ талабаси**

Mutaxassis minbari

# БОЛА ЁЛҒОН ГАПИРСА...

**Барча ота-она фарзандининг тўғрисўз бўлишини истайди. Ёлғон туфайли болада агрессив ҳис-туйғулар юзага келиши мумкинлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Баъзан бола ёлғон гапираётганини билиб турсак ҳам, жаҳлимиз чиққанини сездирмасликка ҳаракат қиламиз. Кўз кўриб тўймайдиган дилбандимизнинг сурбетларча алдаётганини қабул қилгимиз келмайди. Бундай ҳолатларда "Мен сенга энди ҳеч қачон ишона олмайман" ёки "Қандай қилиб алдадинг? Бизнинг оиламизда ҳеч ким ҳеч қачон ёлғон гапирмаган" каби иборалар ишлатилади. Болани жазолаш унда чуқур айбдорлик ҳиссини ёки, аксинча, ранж-алам, озорланишни юзага келтиради. Психологлар бола кўпинча уч ёшдан, яъни дастлабки "ёмон" ва "яхши" тушунчалар шаклланган пайтдан алдашга киришишини таъкидлайди. Буни балки ёлғон деб аташ керак эмасдир. Асл кўринишдаги алдашга қодирлик болада саккиз ёшгача шаклланмайди. Қисқаси, тўғрисўзликка болани ўргатишга қачондан эътибор қаратиш керак?**

Агар болада айёрлик ва ўзининг қилмишларида бировларни айблаш қобилияти пайдо бўлиб қолса, бу эътибор қаратишга арзирли биринчи белгидир. Фанда бундай хатти-ҳаракат "шиша идиш синдроми" деб аталади. Унинг моҳияти шундаки, бу ёшгача бола ота-онаси ўзи ҳақидаги ҳамма нарсани — нима қилаяпти, нима ҳақида ўйлаяпти, нима хоҳлаяпти... барчасини билишига сидқидилдан ишонади. Лекин тўсатдан бу ишончи йўқолиб, "Улар менинг конфет еганимни билишмайди", деганга ўхшаш дастлабки эркин ҳаракат ҳисси пайдо бўлади. У савол берилганда яширин тарзда конфет еганини инкор этади ва бу билан ота-онасини синаб кўради. Мазкур ҳолат ота-оналар кўп нарсани боласига тақиқлайдиган оилаларда учрайди.

Болани алдашга ундайдиган асосий сабаб бу – лаззатли, лекин ман этилган нарсани қўлга киритиш ёки жазоланишдан қўрқиш ҳиссидир. Тўрт яшар бола тегиш ман этилган нарсаларни жуда яхши тушунади, лекин қизиқувчанлик уни бу йўлга бошлайди. Шундай қилиб, тегиш ман этилган нарсалардан бирортаси бузилиб қолса, бола жазоланишдан қўрқиб, ўзининг ёшига мос равишда, теварак-атрофни яхши англамаган ҳолда "Буни қўғирчоқ қилди" ёки "Тўтиқуш қафасдан учиб чиқиб, уни бузди" каби кулгили изоҳлар билан вазиятдан чиқади.

Кичкина ёлғончи ич-ичидан бунинг ҳаммаси шундай бўлганига ишонади. Катталар буни ёлғон деб, болалар эса катталарнинг реакциясини таҳлил қилиш ва реалликни билиб олиш мумкин бўлган ўйин деб қабул қилишади. Боланинг келажакдаги дунёқараши ва хулқ-атвори шаклланишида бундай ҳолатлар муҳим аҳамият касб этади. Агар ота-оналар дастлабки белгиларга тўғри ёндаша олсалар, болага ёлғоннинг охири вой бўлишини тушунтирсалар, ижобий натижага эришилади.

Ёлғон ота-она ўзаро нима ҳақда гапираётганини бола тушуна олмагани натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Уч-беш ёшда бола гапнинг мазмунини аниқ тушунишга қодир эмас. Бу пайтда у ҳамма нарсани аралаш ҳолда тасаввур қилади.

Болалар ёлғонининг иккинчи шакли беш ёшдан кейин учрайди. Бу ёшда аксарият кичкинтойларнинг онги унча-мунча шаклланади. Уларда эътиборни ўзига тортиш истагидан келиб чиқадиган мақтанчоқлик пайдо бўлади. Болалар учун ота-онасининг баҳоси жуда муҳимдир. Катталарнинг эътиборсизлигидан унинг кўнгли оғрийди. Ахир, бола ота-онаси хоҳлаганидек бўлишни жуда истайди. Буни эплай олмаса, ёлғондан қаҳрамонона ишлар ўйлаб топади ва мақтов эшитишга ҳаракат қилади.

Боланинг ёлғонига қўпол ва негатив муносабатда бўлиш қўрслик қилишига, жеркиб гапиришига олиб келади. Шундан сўнг у ўз аламларини йўқотиши учун янгидан-янги ёлғонларни ўйлаб топади. Тартибли, оғир-босиқ беш ёшли қизча жиғига теккан ўн икки ёшли болага ғишт отиб юборгани маълум. У ғиштга ўз тасаввурида фақат ҳимоя воситаси деб қараган. Оқибатларини ўйламасдан, шу тарзда адолатни қарор топтираман деб ҳисоблаган. Ҳамма ёшга хос бўлган "мотивлашмаган ёлғон" деб аталувчи сабабсиз алдаш ҳам мавжуд. Агар бола сув ҳавзасида акула билан олишдим, деса, буни ҳаётида қизиқарли воқеалар етишмаётгани ёки вақтини ўтказаётган жой қулай эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Шу боис унга жазо беришга шошилмаслик керак.

Бир қатор мутахассислар ёлғондан қочиб бўлмайди, алдаш касаллиги тузалмас дард дея фикр билдиришади. Агар оиланинг катта аъзолари ибрат бўлмас экан, болани қандай қилиб тўғрисўзликка ўргатиш мумкин? Ахир, бола уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини тўғри деб қабул қилади. Психолог Васила Каримова болада тўғрисўзликни шакллантиришда ота-оналар хулқ-атвори муҳим ўрин тутишини таъкидлайди: "Боланинг гувоҳлигида энг кичик ёлғонни ҳам ишлатмасликка эътибор қилиш керак. Масалан: "Мени уйда йўқ деб айтгин", "Бугун ишга бормайман, касал бўлиб қолдим ёки болам шамоллаб қолди деб айтаман" каби ибораларни ишлатишингиз мумкин. Кўпчилик нимагадир катталар ёлғон гапириши мумкин, деб ҳисоблайди. Лекин бола айнан уларга қараб хулқ-атвор меъёрларини англайди. Натижада боланинг хатти-ҳаракатлари катталар хулқ-атворини уларнинг кўз ўнгида ўзлаштириб олганининг ифодаси бўлиб қолади».

"Дастлабки муваффақиятли ёлғон ота-оналарнинг чексиз қудрати ҳақидаги мифни тарқатиб юборади ва бола ўзининг қудратини ҳис қила бошлайди", дейди машҳур психолог Майкл Ф. Хойт. Бола алдаётганини билиб қолганимизда унинг устидан назоратни йўқотиб қўямиз. Ахир, биз боланинг ҳаёти учун жавобгар эканмиз, нега назоратни бўшаштиришимиз керак?

Нотинч оилада вояга етаётган бола ўз руҳий оламидаги жароҳатларни сиқиб чиқариш учун кўпроқ алдашга мойил бўлади. Лекин тинч оилаларда ҳам бу муаммо учрайди. Агар болангизнинг интеллект даражаси қанчалик юқори бўлса, ёлғон ишлатишга мойиллиги шунчалик паст бўлади, чунки у бунинг оқибатларини олдиндан кўра олади. Ривожланишига тўлақонли эътибор қилинган ва тўғри тарбия берилган болада биринчи марта алдашга уриниш, унинг нуқтаи назари бўйича, эркинликка бўлган ҳуқуқдир. Бу катталарни огоҳликка ундаши лозим.

Аммо зинҳор ғазаб ва жаҳлга берилманг, фожиа ясашга интилманг. Ота-онасидаги салбий ҳиссиётлар туғёнини кўрган бола айбдорликни чуқурроқ ҳис этса-да, кейинги марта ҳам алдашдан тўхтамайди.

Агар сиз ёлғоннинг сабабини аниқлай олсангиз, барчасини болангиз билан муҳокама қилишингиз ва келгусидаги ёлғонни тўхтатиб қолишингиз осон кечади. Бўлиб ўтган ҳодисага унинг нигоҳи билан қарашга ҳаракат қилинг. Баъзан ўғлингиз ёки қизингиз ёмон ишларни қилиши мумкинлигига кўникишингиз ҳам керак. Олдин уни кечира олишингизга ишонтиринг. Бола агар ўзига кимдир тирик филча совға қилганини айтса, унга: "Биламан, филчанг бўлишини жудаям хоҳлайсан", деб жавоб бериш зарур. Унинг алдаётганини исботлаб бериш керак эмас.

Ота-оналар болаларга "ҳимоя учун ёлғон" ишлатишига ундовчи саволлар бермаслиги лозим. Болалар ота-онаси унга маълум бўлмаган нарсаларни сўраб, сўроқ қилишига чидай олишмайди.

Ота-онанинг ёлғонга нисбатан қандай муносабатда экани фарзандига маълум бўлиши керак. Бир томондан, "кичкина жиноятчи" устидан сўроқ, суд уюштирмаслик ва айбини тан олишини талаб қилмаслик лозим. Бошқа томондан, биз ҳар доим нарсаларни ўз номи билан аташимиз зарур. Масалан, бола ўйинчоқларини йиғиштирмаган бўлса: "Ўйинчоқларингни йиғиштирдингми? Ростдан йиғиштирдингми? Бўлмаса нега улар хонада сочилиб ётибди?" каби саволларни бермаган маъқул. Бунинг ўрнига оддийгина қилиб: "Кўрдим, ўйинчоқларингни ҳали йиғиштирмабсан. Тезроқ йиғиштир, биз айланишга чиқмоқчи эдик-ку", дейиш жўялидир. Болага ёлғоннинг кетидан қувмасликни, балки ҳаммасини тўғрисўзлик билан ҳал қилиш лозимлигини тушунтириш жуда муҳим.

Бола асабларингизни чарчатиши, бир нарсани таъкидлайверишидан безиллашингиз турган гап. Лекин бу ҳеч қачон яхши натижа бермайдиган жанжал кўтаришингизга сабаб бўлмасин. Бола ҳозирча сизга бошқа бировдан кўра кўпроқ ишонади, уни бу ишончи ва ҳурматидан маҳрум қилманг.

"Болалар нима учун алдайди?" китобининг муаллифи, америкалик психолог Пол Экман бола билан ўзаро ишонч бўйича олдиндан келишиб олишни тавсия қилади: "Бизнинг муносабатларимизда ишончдан муҳимроқ нарса йўқ. Агар сен менга ёқмайдиган нимадир қилиб қўйсанг, менга бу ҳақда айтишга қўрқма. «Жаҳлим чиқмайди», деб ваъда берганимни эслатиб қўй. Сен, албатта, ножўя ҳаракатингни яширишга ҳаракат қилишинг мумкин, лекин ҳақиқатни айтиш учун ўзингда куч топа олсанг, бундан фахрланаман".

Вақти келиб шундай усул қўлланилганда бола унга ҳамдардлик билдиришингизни, койиб бермаслигингизни ва, биринчи навбатда, оилавий қадриятларингизга мос тўғри йўлни кўрсатишингизни билади. Шунинг учун у ҳар хил вазиятларда сизнинг олдингизга маслаҳат сўраб кела бошлайди.

"Тўғрисўзликни ва тартиб-интизомни шакллантиришдаги тадбирлардан энг самаралиси – болага намуна бўлиб хизмат қиладиган оиладаги ахлоқий қоида ва қадриятлардир. Бола учун ота-онанинг тажовузи ва эътиборсизлиги бир хилда зарарлидир. Бир неча кун ўзингизни кузатинг. Бир кунда болага неча марта "Хўп" деган жавобни берасиз ва неча марта тақиқлайсиз, койиб берасиз, шикоят қиласиз ва ҳоказо", деб маслаҳат беради рус психологи Инна Кузьменко.

Болангизни ёлғондан чалғитинг ва уни тўғри оқимга йўналтиринг. Шарқ уйғониш давридаги буюк аждодларимизнинг кўпчилиги болага асосий тарбия етти ёшгача берилишини таъкидлайди. Фарзандингизнинг беш ёшдаги кечинмалар чегарасидан оҳиста ўтиб олиши ва ўсмирлик ёшидаги қийинчиликлардан сақлаб қолиш сизнинг қўлингизда.

Юқорида келтирилган симптомлар бола қандай таъсирлар натижасида ёлғон гапиришга берилишини кўрсатади. Хулосаларимиз сизга манзур бўлади, деб ўйлаймиз:

**муаммо ва зиддиятлардан кўз юмманг;**

**олдин болаларни эшитиб, сўнгра ўз муносабатингизни билдиринг;**

**ўзингизга жабр етказманг, чунки сизга ёмон бўлса, болага ҳам яхши бўлмайди;**

**болалар қанчалик айбдор бўлса ҳам, улардан юз ўгирманг.**

**Ўктам ШАМСИЕВ,**
**Ўзбекистон миллий университети фалсафа факультети ўқитувчиси, психология фанлари номзоди**

**Донишманддан энг олий неъмат нима, деб сўрашганда, у тинчлик дея жавоб берган экан. Чиндан ҳам тинч-тотувликнинг қадри ҳар сонияда билинади. Хотиржамлик қалбга яшаш ва яратиш иштиёқини беради. Атрофдаги гўзалликларни ҳис этиш ёки ота-онамизнинг меҳрибончилигию, фарзандларимизнинг эмин-эркин, ҳеч кимдан кам бўлмай улғаяётганини кўриб, қалбдан севиниш — нақадар юксак бахт! Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Халқимизнинг энг катта бойлиги — бағрикенглик, меҳр-оқибат. Биз бу бағрикенгликни, меҳр-оқибатни доимо асраб-авайлашимиз зарур».**

# НОТИНЧ ЮРТДА БАҲОР ТАТИМАЙДИ

Аммо саёрамизнинг жуда кўплаб ҳудудларида ҳамон даҳшатли гумбур-гумбуру, юракни ўртовчи йиғи ва ҳайқириқлар тўхтагани йўқ. Тонгни соғомон қаршилаган киши тунни кўраманми, деган ҳадик остида сония санаб, дайди ўқлардан паноҳ қидириб яшаётгани кимларгадир синов, кимларгадир сабоқ аслида...

Ер шарининг ижтимоий-сиёсий харитасига бир назар ташласак, урушу низолар, қурғоқчилигу иқлим ўзгаришлари, табиий офат, авиаҳалокатлар, юқумли касалликлар каби бало-қазолардан азият чекаётган ўнлаб давлатлар аҳолисини кўргандек бўламиз. Африка қитъаси аҳолисининг 80 фоизи деярли ҳар куни ички низо ва очарчилик даҳшати билан юзма-юз келмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур қарама-қаршиликларнинг айбсиз жабрдийдалари орасида болаларнинг кўплиги фожеалар фожеасидир. Ваҳоланки, улар хунрезликлар, қирғинбаротлар боис ота-онаси қучоғида мириқиб музқаймоқ ейиш ўрнига, порохнинг аччиқ бўйидан кўзлари қонга тўлиб, ваҳима оғушида улғаймоқда. Аксарияти ҳозирданоқ қўлига қурол ушлаган, аламзада, жангари...

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун халқаро ташкилотлар томонидан қанча саъй-ҳаракатлар амалга оширилмасин, Африка қитъасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий танглик, барибир, сақланиб қолаяпти. Хусусан, Малидаги аҳвол анча жиддий.

Маълумки, Малида ҳамон ички зиддиятлар, қуролли тўқнашувлар туфайли келиб чиққан урушга барҳам берилмади. Шу боис ҳам мазкур давлат ҳудудида инсон қадри паймол бўлиб, ҳар қадамда отиб ташланган ёки чидаб бўлмас қийинчиликларга дош беролмай кўз юмганларнинг жасадларини учратиш мумкин.

«Inanews» нашрида ёзилишича, ҳақиқатан ҳам, Малининг шимолида содир бўлаётган уруш болалар ва аҳоли учун даҳшатлар ёмғирини ёғдираяпти. Мавританияда Малидан қочган 55 минг нафар аҳолига «Мбэр» лагерида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Чегара билмас шифокорлар» мустақил халқаро тиббий-гуманитар ташкилоти томонидан беғараз кўмак берилмоқда. Аммо бу билан муаммолар ҳал бўлиб қолаётгани йўқ. Болаларнинг 70 фоизи умуман касалликларга қарши эмланмаган. Бу эса лагердагиларнинг безгак, ўткир респиратор касалликларга чалиниши эҳтимолини амалда ҳам ошириб юбормоқда. Афсуски, мазкур хасталикларнинг оқибати, аксарият ҳолларда, ўлим билан интиҳо топаётир...

Бунинг устига, малилик қочоқлар орасида очликка бардош беролмай, вафот этаётганлар сони кун сайин ортмоқда. Уларнинг 4,6 фоизи айнан ушбу хавф остида яшамоқда, аниқроғи, ҳар беш нафарини очлик азобидан қутқариш мутлақо имконсиз бўлиб қолаяпти...

Икки йилдан буён ўт ичида яшаётган Сурияда ҳам аҳвол кундан-кунга оғирлашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, ҳукумат томонидан ижтимоий-гуманитар ёрдам тўхтатиб қўйилгани боис тахминан 1 миллион суриялик очлик кулфатига гирифтор бўлмоқда. Ваҳоланки, БМТнинг «Жаҳон озиқ-овқат дастури»га мувофиқ, ҳар ой Сурияда 1,5 миллион оч қолган кишиларга ёрдам берилаётганди. Табиийки, ташкилот мадад қўламини янада кенгайтириш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳам ўтган апрель ойининг ўзида 100 минг нафар суриялик ризқ топиш мақсадида ўз туғилиб ўсган юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Ҳамон давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар оқибатида Сурияда ҳалок бўлганлар сони, БМТ маълумотига кўра, айни вақтгача қарийб 60 минг нафарга етган. Аммо бу 2011 йилнинг 15 мартидан то 2012 йилнинг 30 ноябригача бўлган маълумотлар эканини инобатга олсак, қурбонлар сони бундан анча кўплиги ойдинлашади. Ачинарлиси, ҳалок бўлаётганлар орасида бевосита уруш иштирокчиларидан кўра, тинч аҳоли вакилларининг сони кўпроқни ташкил этаётир.

Дунёнинг қайсидир нуқтасида уруш ва қийинчиликлар, очлик азоби одамлар кўнглига ўлим даҳшатини солиб турганда, Ғарбнинг бир қатор ривожланган мамлакатларида, шаҳрида 10 нафар туркиялик фуқаронинг умрига зомин бўлганликда айбланиб, қўлга олинди. Неонацистларнинг уюшган жиноий тўдаси — NSU («Миллий-ижтимоий ертўла») фош этилди.

**ФАКТ:**

***ДУНЁДА ҳар йили тахминан 59 миллион киши: ҳар 102 сонияда уруш, ҳар 61 сонияда қотиллик, ҳар 26 сонияда автоҳалокат ва ҳар 3 сонияда очликдан вафот этади.***

Башарият эзгуликни тарғиб қилиб, халқлар ва миллатлар ўзаро ҳамжиҳат, дўст бўлиб яшашга чорланаётган бир вақтда айрим Ғарб ёшларининг ирқчилик, миллатчиликдек кечирилмас жиноятни «оқлаб» чиқаётгани соғлом фикрловчи одамларни чуқур ўйга толдиради.

Ачинарлиси, мазкур жиноий тўданинг фаолиятига Германия ҳукумати томонидан етарлича қаршилик кўрсатилмагани боис неонацистларнинг 2011 йили судланиб, озодликдан маҳрум этилганига қарамай, қамоқдан қочишга муваффақ бўлганини Европа нашрлари танқид остига олган. Бундан ташқари, жиноятчилар ўз фаолиятини демократия ниқоби остида хаспўшлашга уринмоқда!

Фан-техника инқилоби туфайли ҳаёт суръатлари мислсиз даражада тезлашиб кетди. Бугун ҳар сонияда жаҳон аксинча, азбаройи тўқликдан, тўкин-сочинликдан турли ғайриинсоний «шўхлик»лар, қотилликлар авж олмоқда. Аввалига қуролланган кимсанинг Норвегияда бегуноҳ инсонлар, мактаб ўқувчиларини ўққа тутгани, кейин шундай ҳолат океанортида такрорлангани дилларни ларзага солади.

Ана шундай тўкин-сочинлик замонига ношукурлик қилиб, тинчлик қадрига етмаётган бир гуруҳ кимсалар нацизмнинг янги оқимини шакллантиришга уринаётгани ақлга сиғмайди. Ахир шундоқ ҳам фашизм балоси туфайли инсоният Иккинчи жаҳон уруши давомида 50 миллиондан зиёд инсондан айрилди. Бунинг оғриғи, жароҳати ҳали буткул битмай туриб, ўзларини «неонацист» деб атаётган жиноятчилар 6 май куни Мюнхен шаҳрида туркиялик фуқаронинг умрига зомин бўлганликда айбланиб, қўлга олинди. Неонацистларнинг уюшган жиноий тўдаси — NSU («Миллий-ижтимоий ертўла») фош этилди.

Бинобарин, уруш ва очарчиликлар ёки «тўқликка шўхлик»ларсиз ҳам дунёнинг муаммолари кам эмас. Иқлим ўзгариши, зилзилалар, табиий офатлар оқибатида мамлакатлар иқтисодиёти улкан зарар кўрмоқда, айниқса, аҳоли ҳаёти хавф остида қолмоқда. Жумладан, Калифорния штатининг жанубий ҳудудида авж олган ўрмон ёнғини туфайли минглаб аҳоли хавфсиз жойларга эвакуация қилинмоқда. 2 май куни тонгда Вентура округида бошланган офат Лос-Анжелес шаҳридан 100 километр шимоли-ғарбда содир бўлган. У кулини кўкка совурган ҳудудлар ҳар куни тахминан 10 минг акрга ортиб бораётир. Шу вақтга қадар 15 турар жой, 15 жамоат омбори ва яна бир қатор офислар қора кўмирга айланган. Ёнғин ўз вақтида бартараф этилмаса, яна 4 мингдан зиёд турар жойни вайрон қилиши мумкин.

Ҳукумат ушбу жойларда яшовчиларнинг тўртдан бир қисмини бошқа жойга кўчиришга улгурди. Тинч океани қирғоғидан ўтган улкан автотрасса ёнғин хатаридан «қочган» одамлар ортилган автобуслар билан тўлиб- тошган. Айни пайтда фалокат туфайли ўрмонга яқин ҳудудлардаги ҳаво ҳарорати 30 градусдан ортиб кетган. Инсон сабри ва иродаси билан «ўчакишаётган» кучли шамол эса ўт ўчирувчилар вазифасини оғирлаштирмоқда.

Хабарингиз бор, Бангладешда ҳеч қандай табиий ҳодисасиз, апрель ойида «Rana Plaza» савдо маркази қулаб тушган. Натижада 500дан зиёд одамнинг умрига нуқта қўйилди... Полиция дарҳол мазкур бино лойиҳасини чизиш ва қуришда иштирок этган муҳандисни қўлга олди ва етти йилга озодликдан маҳрум қилди. Гап шундаки, аслида беш қават қилиб қурилиши кўрсатилган объект ўзбошимчалик билан саккиз қаватга айлантирилган. Унга аввалроқ бир қатор ходимлар бинода улкан ёриқлар пайдо бўлаётганини хавотир билан айтишган, аммо у парво қилмаган. Дакка шаҳридаги мазкур улкан бинода тўртта кийим тикиш фабрикаси, банк ва бир қатор дўконлар жойлашган. Харобалар остида мингга яқин инсон қолиб кетган...

Ҳа, бундай воқеликлар юртдошларимизни бугунги нотинч ва таҳликали дунёда доимо ҳушёр бўлиб, осойишта ҳаётимиздан шукроналик билан яшашга ундайди. Шукрки, мустақил Ўзбекистонимизнинг осмони мусаффо! Одамлар юзидаги алвон ранг, кўзидаги бугун ва келажакка бўлган ишонч ёғдуси мамлакатимиздаги тинчлик, тўкин-сочинликдан дарак беради, албатта.

Маълумки, юртимизда 1999 йилдан бошлаб 9 май — «Хотира ва қадрлаш куни» сифатида нишонлаб келинади. Зеро, хотира ва қадр тушунчалари азалдан халқимиз тафаккурининг узвий бир бўлаги ҳисобланади. Бу диёрда ўтганларнинг хотираси улар қолдирган ўчмас излар, яхшиликларга қараб доимо эъзозланади, ҳурмат билан ёдга олинади. Ватан тараққиёти учун ҳисса қўшган, бугун кексалик гаштини сураётган нуронийлар эса ардоқланади, қадрланади.

Чиндан ҳам, ўз ўтмишини, тарихини билмайдиган ёки эсламайдиган инсондан садоқат, ватанпарварлик кутиб бўлмайди. Бу ҳақда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг **«Хотира деганда, барчамиз қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган муқаддас туйғуни тушунамиз. Чиндан ҳам, ўтганларни хотирлаш, уларнинг руҳини ёд этиш халқимиз учун асрлар давомида эзгу анъана, эзгу одатга айланиб қолган. Тарихий хотира — бу аввало ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир» деб таъкидлагани бежиз эмас.**

Инчунин, эслаш, хотирлаш, ўз навбатида, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш, кеча ёки бугун дунёнинг қайси бир бурчакларида содир бўлган ва бўлаётган воқеалардан зарур сабоқ ва тегишли хулосалар чиқариб яшашга даъват этади.

**Зоҳиджон ХОЛОВ**

## МИЯ ТУЗИЛИШИГА БОҒЛИҚ

***Боланинг математикага бўлган қобилияти бош миядаги қисқа муддатли хотиралар «омбори» ҳисобланган гиппокампларнинг миқдорига боғлиқ. Яъни, гиппокамп ҳажми қанчалик катта бўлса, боланинг сонларни эслаб қолиши шунчалик осонлашади.***

Стэнфорд университети (АҚШ) олимлари томонидан ўтказилган тажрибалар давомида дастлаб 8-9 ёшли мактаб ўқувчиларининг мияси МРТ (магнит резонансли томография)да текширилди. Шундан сўнг улардан математика ва IQ (интеллектуал қобилият) тест топшириқларини бажариш талаб қилинди. Ўқувчилар икки ой давомида математика билан шуғулланиб, яна бир марта МРТда текширувдан ўтишди. Шуғулланиш давомида болаларнинг тез санаши ва арифметик топшириқларни ечишига асосий эътибор қаратилди. Бундан ташқари, уларда топшириқни тезда илғаб олишлари учун махсус кўникмалар ҳосил қилинди.



Кутилганидек, синовнинг иккинчи босқичида улар математик топшириқларни аъло даражада бажаришди. Болаларда гиппокамплар ҳажми қанчалик катта бўлса, уларнинг топшириқларни бажаришлари шунчалик муваффақиятли кечган.

Катталар ўртасида ҳам худди шу каби тажриба ўтказилганида, уларда гиппокамплар миянинг қийин амалларни ёдда сақлаш ва қабул қилиш соҳаси билан деярли боғланмагани маълум бўлди. Ёш ўтиши билан гиппокамплар миянинг хотира қисмидан кўра бошқа соҳалари билан яхши алоқага киришар экан. Мавзуга оид мақола "PNAS" журналида эълон қилинди.

## "АҚЛЛИ" КЎЗОЙНАККА ЯНГИ ИЛОВА

***«Google Glass» кўзойнак-компьютерлари учун «Roundarch Isobar» компанияси ихтирочилари томонидан янги илова-дастур ишлаб чиқилди. Эндиликда ушбу кўзойнак оддийгина кўз қисиб қўйиш орқали суратга туширувчи дастур ва қурилмалар билан ишлаб чиқарилади. Мазкур компания хизматчиси Майк Диджованни «Google Glass» компьютерига кўз билан имлаш йўли орқали бошқариладиган камера ўрнатди.***

Дастур "Winky" деб номланди. Уни ишга тушириш учун "ақлли" кўзойнак камераси иш ҳолатига келтирилиб, унга кўз билан ишора қилиш кифоя. Дастурчиларнинг фикрича, бу ускуна тасвирга олиш жараёнини соддалаштиради.

Яқинда "Google" компанияси техник характердаги компьютер кўзойнакни фойдаланувчиларга тақдим қилган эди. У ўзида 16 Гб флеш-хотира, Wi-Fi — симсиз алоқа адаптери, Bluetooth, 720p форматидаги видео ва фототасвирга оладиган 5-мегапиксели камерани мужассамлаштирган.

Ҳозирда "Glass" прототипининг синов жараёнидаги нархи 1500 АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

## WI-FI ВА NFC ТИЗИМИДА ИШЛОВЧИ ФОТОАППАРАТ

***"Samsung" компанияси мутахассислари томонидан алмашинувчи оптик тизим асосида ишловчи ойнасиз фотоаппарат ишлаб чиқарилиши маълум қилинди. Фотоаппаратнинг ташқи кўринишиоқ, қора ва пушти рангда бўлиши режалаштирилмоқда.***

Янги турдаги ускунага 20,3 миллион такомиллаштирилган пикселли матрица (APS-C(23,5Ч15,7 мм) ни қўллаш кўзда тутилган. Ундаги маълумотларни сақлаш учун "MicroSD/MicroSDHC/MicroSDXC" хотира картасидан фойдаланиш мумкин. Янги фотоаппаратдан HDMI ва USB 2.0 интерфейслари ҳам ўрин олган.

Шунингдек, фотоаппарат интернетга уланиш учун Wi-Fi симсиз алоқа адаптери билан таъминланган бўлиб, тасвирга олинган суратларни шу вақтнинг ўзида интернет ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш мумкин. Бундан ташқари, NFC (Near Field Communication) микрочипи ўрнатилган бўлиб, кичик радиусда юқори сифатли симсиз алоқа тизими орқали 10 сантиметргача узоқликдаги қурилмалар билан маълумот алмашиш имконини беради. Фотоаппарат сониясига 30та кадрли видео тасвирларни юқори тиниқликда ёзиб олиб, бир сонияда 8та суратни кетма-кет олишга мўлжалланган.

Камеранинг оғирлиги 228 грамм бўлиб, сенсорли дисплейининг диагонали 3,7 дюйм (9,398 см)дан иборат.

## СУНЪИЙ КЎЗ ЯРАТИЛДИ

***Сир эмаски, Леонардо да Винчи ўз вақтида қуш қанотларига ўхшаш учиш аппарати яратиш ғоясини илгари суриб, табиатдан нусха олиш — бионика соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган эди. Бугунги кунга келиб эса бионика илми юқори даражада ривожланиб, техник муаммоларнинг ечимини топиш ҳам анча осонлашган.***

Океанортилик муҳандислар яқинда ҳашаротлардаги фасет кўз (бир қанча содда кўзлар йиғиндисидан иборат кўриш органи)нинг нусхаси яратилгани ҳақида маълумот берган эди. Мазкур ноодатий орган юзлаб, минглаб алоҳида ёруғлик сезувчи тизимлардан ташкил топган. Ҳар бир тузилма линза ва нур сезувчи ҳужайралардан иборат бўлиб, қабул қилинган ёруғлик сигналларини мияга узатиб туради. Барча ёруғлик сезувчи тизимлар ўзига хос узун ингичка ипларни ўзида мужассамлаштирган. Йиғилган боғлам турли бурчаклардан қаралганда ярим сферик кўзни эслатади. Шу орқали ҳашаротлар ён-атрофини, ўраб турган маконни кенг миқёсда кўриши мумкин.



Иллинойс университетининг фан ва муҳандислик факультети мутахассислари табиатдан нусха олиб, янги турдаги рақамли камерани яратишга муваффақ бўлишди.

Олимларнинг сўзларига қараганда, яратилган сунъий кўз ҳашаротлар, масалан, чумоли ёки пўстлоқхўр қўнғизнинг кўриш қобилияти билан бемалол баҳслаша олади. Лойиҳа муаллифларидан бири ҳисобланган Жон Роджерс "барча конструкциялар ингичка ва эгилувчан бўлгани сабабли ҳаво шари сингари пуфлаб шиширилади", деб таъкидлайди.

Мазкур қурилма кўплаб микролинза ва кремнийли фотодетекторларни ўзида жамлаган. Ҳар бир микролинза ёруғликни сезувчи хусусиятларни ўзида ҳосил қилиб, фасет кўз элементлари тузилмасини ташкил этади. Сунъий кўзда ҳаммаси бўлиб 180та шундай сезувчи тизим мавжуд. Мутахассислар улар қанча кўп бўлса натижа ҳам шунча яхши бўлишини таъминлайди, деган фикрда.

Бугунга келиб, бионика соҳаси билан шуғулланувчи олимлар робот-ҳашаротлар учун мўлжалланган сифатли кўз яратиш учун янги турдаги камералар яратиш ва улардан фойдаланиш йўлларини излашмоқда.

**Сурайё СИРОЖИДДИНОВА тайёрлади.**

## JUMLADA JAHON

yangiliklari ⊕ xabarlari

Бельгиянинг Шарқий Фландрия провинциясидаги Гент шаҳри яқинида юк поездининг издан чиқиб кетиши натижасида заҳарли модда ортилган 4та цистернада портлаш юзага келиб транспорт бошқарувчиси ҳаётдан кўз юмган, 93 киши турли даражада жароҳатланган.

**«Associated Press» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Испания пойтахти Мадрид шаҳрида бўлиб ўтаётган авиашоу вақтида қулаб тушган HA-200 Saeta самолётининг 35 ёшли учувчиси ҳаётдан кўз юмган, икки нафар қутқарувчи оғир яраланган.**

АҚШ ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари томонидан бундан 10-12 йил муқаддам ўсмирлик даврида бедарак йўқолган деб ҳисобланган уч нафар аёлни гаровда сақлаб келаётган уч ака-ука қўлга олинган.

**Филиппиннинг жанубий-шарқидаги Лусун оролида жойлашган Майон вулқонининг ҳаракатга келиши натижасида 4 нафар хорижлик сайёҳ ва маҳаллий йўлбошловчи ҳаётдан кўз юмган, етти киши эса турли даражада жароҳатланган.**

11 минг метр баландликда парвоз қилаётган Ҳиндистоннинг «Air India» авиакомпаниясига тегишли самолёт учувчилари ҳордиқ чиқариш мақсадида штурвални амалиётчи-стюардессага топширгани, тасодифан учувчисиз парвоз тизими (авиапилот) ўчириб қўйилгани сабабли ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузганликда айбдор, деб топилган ва хизмат вазифасидан озод қилинган.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

**Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 2013-2014 ўқув йили учун 2-синфларга**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

**Кириш синовларида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:**

1. Мактаб директори номига ариза.
2. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
3. №086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома.
4. Турар жойидан маълумотнома.
5. 3х4 ҳажмдаги 6та фотосурат.
6. Психологик-педагогик ташхис дафтари асосида ўқувчининг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириши ҳақида тасдиқланган тавсифнома.
7. Истеъдоди ва иқтидорини кўрсатувчи ишлардан намуналар (шеърлар, ҳикоялар, расмлар ва шу кабилар).

Ҳужжатлар 2-синфлар учун 1 майдан 31 майгача (шу кун ҳам) қабул қилинади.

**КИРИШ СИНОВЛАРИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор 17/18, ХТВ тасарруфидаги Аниқ фанларга ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби(собиқ 310-мактаб, мўлжал «Булоқ» сув ҳавзаси, 22-мактаб)

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: 240-51-18.**

**ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Механика-математика факультети «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» кафедрасининг профессори, академик Шокир Фармоновга синглиси

**Махпират ФАРМОНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси Марказнинг «Ўқув жараёнини такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш» бошқармаси бошлиғи Ўктамжон Худайбердиевга отаси

**СОЛИЖОН** отанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

## Gurung

### 9-may—Xotira va qadrlash kuni

# ҚЎНҒИЛНИНГ ҚЎНҒИРОҒИ

— Уруш тугади, уруш тугади... Оқсоқланиб юрадиган почтачининг бу хушхабарини эшитиб, ариқ бўйида ўтириб қолибман,— Жанғил момо бу воқеани жуда кўп такрорлардилар. — Йиғлайвердим, йиғлайвердим. Ўз-ўзимча хотирладим, ўз-ўзимча сўзладим. Кўз ўнгимдан кунчиқар томон қарчиғайдай акам, рўзғоримнинг беги, эндигина мўйлаби сабза урган укамни олиб кетган арава сира кетмасди. Араванинг изларини қадди ерга букилиб қолган онагинам озмунча қўриқладими? Қўриқлай-қўриқлай, зор қута-қута, кўзлари очиқ кетди бу ёруғ оламдан. Онамни қабрга қўйгач, ҳайҳотдек ҳовлида чуғурчуқлар

Гулга кўмилган диёримнинг беқиёс гўзалликларию, хуррам замонамизнинг хушнуд дамларини юраккинамни соқчи қилиб кўриқламоқ фарзини дилимнинг қатларига жо этарканман, беихтиёр домламиз Анвар Шомақсудовнинг маъюс боқиб тургучи чеҳраси, ясама қўли кўз ўнгимдан ўтаверади. Устознинг ҳар бир ҳаракати бизни ғафлатдан огоҳ этаётгандек, она-Ватан муҳаббати, тинчликни қадрламоқ ҳисси ҳар недан улуғ эканини такрорлаб тургандек назаримда! Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ажойиб педагог Қилич Муҳаммадиев танасида қолган уруш жароҳатларининг асоратидан қирчиллама ёшида оламдан ўтди. Қилич муаллимдек жувонмарг кетганлар камми? Урушдан омон қайтганларнинг қалбу жон оғриқларининг изтироблари кўрмоқ, тингламоқнинг ўзи азоб эмасми?! Бу кунларга етганларнинг армонлари, дардлари ҳаққи, кўнглим баландроқ чал, қўнғироғингни «Бир тану, бир Ватан бўлайлик, Тинчликни асрайлик, тинчликни!»

Кўнглима, жаранглат қўнғироғингни; Қувончларга тўлган болалик ҳаққи! Фарзандим — эртанги ёруғ куним деб, елкасини тутган она юрт ҳаққи! Тинчлик ҳукм сурган улуғ Ватанда, буюк ишлар сари қадам ташланар. Қара тўрт тарафда Ўзбекистоннинг нурли манзиллари чарақлаб турар. Кўнглим чалавергин қўнғироғингни, ҳар юрак эзгулик сурурин туйсин. Шукроналар айтиб давру давронга, Қўлни қўлга бермоқ ахдида бўлсин!

Хотиралар уйғонса гўзал, қадрлаган қадрин топади! Мустақиллик майдони томон йўлингизни буриб, боласини қучиб турган Бахтиёр она ҳайкали қаршисида бир зум сукут сақлаганмисиз? Хотира китобини ўқиб, битиклар қаршисида киприклари намланган, азиз кишилари исми шарифлари ёзувини бармоқлари билан оҳистагина силаб қароқларига суртаётганларнинг дилларидан ўтаётган кечинмаларга ошно бўлганмисиз ҳеч! Мангу оловга боқиб, умр омонату яхшиликлар ўлмаслиги, ўчмаслиги, одамизот эзгуликлар сари ошиқмоғи нечоғлик зарур эканлигига такрор-такрор иқрор бўлдингизми ҳеч? Ҳа, инсон бу яратувчанликлар маънисини англамоғи шарт экан. Буларнинг ҳар бирин ўз рамзий маънолари бор. Кўнглим, чалиб тургин қўнғироғингни, ўзимдан ўзимни йўқотиб қўймай. Ғуборсиз осмоннинг, зилол булоқнинг, ризққа кўксин тутган она тупроқнинг суратини чизай энг ёрқин рангда, Тинчликнинг акси бор, ҳар бир чаманда! Мангуликка тимсол минорлар ҳаққи, асрларга гувоҳ чинорлар ҳаққи, тўйларга ярашган алёрлар ҳаққи, Кўнглим чал, толмайин қўнғироғингни, Тинчликни асрайлик, тинчликни!

рим билан дилдираб қолдим. Туннинг уйқуси йўқ, куннинг тиними. Қозоним уч кунда бир қайнар, ё қайнамасди. Бор аламимни меҳнатдан олдим. Оҳ, у кунлар азобини ҳеч кимга раво кўра олмайман. Кўп ўтмай доимо қовоғи солиқ юрадиган почтачи ҳам бир гал дарвозанинг тирқишидан янаги сафар деразанинг синиқ ойнасидан қўлтиқтаёғига суянганча бармоқлари қалтирайқалтирай «қора хат-қон хат» ташлаб кетди. Нолаларимдан еру осмон қорайиб кетгандай бўлди. Ўттизга етмайин сочларимга оппоқ қировлар қўнди. Уруш менинг аёллигимни унуттирди. Ҳар хонадонда бир қайғу. Ҳар юракда бир доғ, бир алам... Тинч, осойишта оқарган тонгларингдан айланай юртим. Бу кунларни асраш керак, кўзларга суртиб!

Тинчлик, шунчалар буюк неъматсан! Жон кўнглим, қўнғироғингни чалиб тургин, Сен она бўлиб. Тинчликни асрамоққа ундаб дунёни, Тинчликни дилида қурол, тилида қурол, этагида фарзанд билан излаганлар ҳаққи, кутганлар ҳаққи, топмоқ учун жонин тикканлар ҳаққи! Болалиги отасини кута-кута, далалардан бошоқлар териб ўтганлар ҳаққи!

# ҲЕЧДАН КЎРА...

### Kechinma

*...Ўлмасжон, дераза қаршисидан ўтаётиб онаизори синглисининг бармоқларини лабларига босганча йиғламсираб нималардир деяётганини эшитиб, тўхтаб қолди:*

*— Қизим, баъзида бобонгни жуда-жуда соғиниб кетаман, — дерди волидаси лаблари титраганча. — Рўзғор юки, хизматчиликдан ортиб у кишини кўп йўқлаб боролмасдим. Сизлар ҳам кичик эдингиз. Лекин сен болалигингда ҳам жуда зийрак, чаққон, меҳрибон эдинг. Эсимда, бир куни ишдан келсам отагинам хурсанд бўлиб уйимизни тўлдириб ўтирибдилар. Мени кўриши билан ҳар доимгидан бардам ўрниларидан қўзғалдилар-да:*

*— Бугун набирагинам ялпиздан чучвара қилиб берди. Хамирини шундай юпқа ёзибдики, чайнамай ютсанг бўлади, — дедилар таърифингни келтириб. — Келсам, ишда экансан. Ҳайҳайлашимга қарамай қизалоғинг дарров овқатга урнаб кетди. Хамир овқатларни яхши кўришимни унга айтгансанда чоғи. Ёнларингдаги бозорчага югуриб бориб кўкат топиб келганини ҳам билмай қолибман. Эгнимдаги яктагимни ювиб қўйишга ҳам улгурди... дея сени алқаганлари қулоғим остида жаранглайверади. Отагинамга шундай қувонч улашганинг учун ҳам сендан миннатдор бўлиб кетаман...*

*Ўлмасжон бу суҳбатни эшитиб беихтиёр ўйга толиб қолди. Негадир хаёллари, хотиралари виждонини титкилаб, кўнглига хижиллик солди. Ахир, у ҳам бобосини яхши кўрарди-ку? Онаси тўнғичим, дея унга суянгиси келар, ўзи улгура олмаётгани учун меҳрибонларини йўқлаб келишини ундан кўп бора илтимос қиларди. Лекин у-чи? Бориб бобосининг насиҳатига қулоқ тутишдан кўра, жўралари билан кўча чангитишини афзал кўрарди, кўпинча. Баъзида «бордим» дея волидасини алдаб қўяр, баъзида «бошқа ишим йўқми?» деган маънода жеркиш қилавергани учун онаизори унга умид ҳам боғлай олмасди. Мана йиллар ўтди. Бу фурсатлар бобогинасини ҳам ораларидан олиб кетди. Ўлмас эса бугун муштдеккина синглиси қилган ишни қилолмагани, меҳрибонининг дуоларини ололмаганидан армонда, онасидан кўзини олиб қочишдан бошқа чораси йўқ. У шу ўйлар гирдобида тўлғанаркан, беихтиёр тез-тез кўча томон юриб кетди. Шукрки, ҳали бувиси ҳаёт. У ҳозир момогинасининг дийдори томон ошиқиб озгина бўлса-да кўнглини олиб қайтмаса бўлмайди. Хаёлига келган фикрдан юраги ёришиб кетган йигит йўл-йўлакай укасини ҳам эргаштириб қишлоқ томон отланишни режалаштирди-да, машинасини ғизиллатиб кетди.*

### O'zbek xalq maqollari

# БИР ҲОВУЧ ДУР

Бир уй тўла жонсан,
Бир-бирингга меҳмонсан.

* * *

Иззат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

* * *

Йўл берганга қўл бер.

* * *

Каттага ҳурмат,
Кичикка шафқат.

* * *

Кексага йўл бер,
Ўзинг ҳам қартаясан.

* * *

Меҳр – гул, қаҳр – тикан.
Меҳр – кўзда, ақл–сўзда.

* * *

Меҳр хазинаси – тил.

* * *

Меҳри борнинг сеҳри бор.

* * *

Меҳрли одам – севимли.

* * *

Одам одам билан азиз.

* * *

Одамнинг юзи қуёшни илитар.

* * *

Отангни кўрсанг, отдан туш.

* * *

Оналик уйнинг ори бор,
Оталик уйнинг–зари.

* * *

Ота–ақл, она–идрок.

* * *

Ота–билак, она–юрак.

* * *

Бир–туғишгандан, бир – бир тутингандан.

* * *

Онангни кафтингда тутсанг,
Синглингни бошингда тут.

* * *

Онангни сиртда сақласанг,
Синглингни кафтда сақла.

* * *

Ота–хазина, ака-ука таянч,
Дўст эса–ҳар иккови.

# ОТАЖОН, НЕ ҚИЛАЙ, СИЗНИ СОҒИНДИМ

**Ҳаётим йўлида сарбон эдингиз,**
**Оилада улуғвор посбон эдингиз.**
**Юракка малҳаму дармон эдингиз,**
**Отажон, не қилай, сизни соғиндим.**

**Руҳимнинг қуввати жони бўлгансиз,**
**Томирда жўш урган қони бўлгансиз.**
**Маъноли ҳикматлар кони бўлгансиз,**
**Отажон, не қилай, сизни соғиндим.**

**Эсласам, мен сизни қўмсаб қоламан,**
**Қалбимнинг кўзи-ла излаб қоламан.**
**Изингиз тополмай йиғлаб қоламан,**
**Отажон, не қилай, сизни соғиндим.**

**Жаннатда кўрмоқни кутиб яшайман,**
**Дардимни ичимга ютиб яшайман.**
**Мадҳингиз шеъримда битиб яшайман,**
**Отажон, не қилай, сизни соғиндим.**

**Маҳмуд ДАДАБОЕВ,**
**Наманган педагогика коллежи доценти, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси**

**Саҳифани Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.**

# СПОРТСЕВАР ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, энг аввало, келажагимиз бўлган ёш авлод саломатлигига чексиз ғамхўрлик ва эътибор намунасидир.**

**Жумладан, жамғарманинг Бухоро вилояти филиали ҳам ёшларимизнинг барча спорт турлари билан эмин-эркин шуғулланишлари учун замон талабига мос шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб камолга етишишлари йўлида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.**

## *Bolalar sporti*

**Ў.НАДЖИМИДИНОВ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилоят филиали директори:**

— 2012 йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг вилоят филиали маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган умумтаълим мактаблари учун 5та спорт зали, 1та I ТИП, 3та II ТИП спорт объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бухоро шаҳрида 25х11 метр ўлчамдаги ёпиқ сув ҳавзаси қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Шунингдек, 12048 нафар спортга илк қадам қўяётган қизларга Президент совғаси — спорт кийимлари топширилди.

Бундан ташқари, жорий йилда ҳам жамғарма кўмагида вилоятимизнинг бир қанча ҳудудларида спорт иншоотлари қурилиши ва капитал реконструкцияси бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Шофиркон туманидаги 40-мактаб учун 9х18 метр, Ғиждувон туманидаги 42-мактаб учун 12х24 метр, Бухоро туманидаги 21-мактаб учун 12х24 метр ҳамда Олот туманидаги 7-сон олимпия захиралари спорт мактаб-интернати учун 18х42 метр ўлчамдаги янги спорт зали қурилиши бошлаб юборилди.

Албатта, вилоятда яратилаётган мазкур имкониятлардан ёшларнинг самарали фойдаланиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлаши, турли мусобақаларда иштирок этиб, қобилиятини намоён этиши муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунда спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, умумтаълим мактабларидаги спорт залларидан мақсадли фойдаланилаётгани ҳам ҳар жиҳатдан эътиборга моликдир.

**Аҳрор САЛИМОВ, Шофиркон туманидаги 7-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси:**

— Спортни ёшлар орасида янада оммалаштириш вазифаси, табиийки, биз мураббийлар зиммасидаги масъулиятни юз чандон оширади. Бугун ёшларни қай тариқа спортга кенг жалб этиш мумкин? Буни ижобий ҳал этиш учун жисмоний тарбия фани дарсларини самарали ташкил этиш лозим. 28 йиллик иш тажрибам давомида шунга амин бўлдимки, ҳар қандай фан ўқитувчиси шогирдларини ортидан эргаштириш учун, аввало, ўз фанининг кучли билимдони бўлиши керак. Қолаверса, ўқитувчининг ўқувчиларга ўрнак бўлиши муҳим.

Имкони топилса, ҳудуддаги таниқли спортчилар билан учрашувлар ташкил этиш мумкин. Вилоятимизда қад ростлаган муҳташам спорт мажмуаларига саёҳат уюштириш, ёшларни улар учун яратилаётган кенг имкониятлар билан таништириш ҳам фойдадан холи эмас. Бундай саъй-ҳаракатларни амалга оширишнинг имкони бўлмаса мактабда машҳур спортчилар муваффақияти акс эттирилган стендлар ташкил этиш ўқувчиларга ижобий таъсир этади. Мазкур усулларга фаолиятим давомида кўп мурожаат қиламан. 2000 йилдан буён шогирдларим қўл тўпи бўйича «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг туман босқичида ғолибликни ҳеч кимга бермай келаяпти. Вилоят босқичи мусобақаларида эса кучли учликдан муқим ўрин эгаллаяпмиз.

**Навбаҳор ФАЙЗИЕВА, Шофиркон туманидаги 33-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси:**

— Мураббий сифатида иш бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ўтган йили шогирдларим волейбол бўйича «Ёзги таътил» мусобақасининг вилоят босқичида, яқинда эса «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг вилоят босқичида 1-ўринни банд этишди. Бунда, албатта, мактабимиздаги тажрибали ва маҳоратли устозлар кўмагига таяндим. Улардан зарур пайтда сўраб-ўрганишга асло эринмайман. Айтиш мумкинки, ўзим мураббий бўлиб ишлаш билан бирга, мунтазам равишда ўрганиб ҳам бораман. Шунингдек, болалар ўртасида ўзаро мусобақаларни тез-тез ташкил этиб, ғолиб ва совриндорларни рағбатлантириб бораман ва бу, албатта, болаларнинг спортга бўлган иштиёқини оширишда муҳим аҳамият касб этилмоқда. Мен олиб бораётган тўгарақда бугун 28 нафар қиз шуғулланмоқда. Тўгарак дарслари аввалида машғулотларни қизиқарли ўйинлар асосида олиб бораман. Чунки, энг аввало кўчадан кириб келган ўқувчида спорт билан шуғулланиш ва унинг ҳар қандай машаққатларини енгиб ўтиш учун маълум кўникма ҳосил қилиш лозим. Сўнг нафас йўллари, мускулларни, бўйин ва қўл-оёқларни чиниқтирувчи машқларга ўтамиз. Шунда ўқувчилар спортнинг шунчаки шовқин-суронларга бой ўйин эмас, балки руҳий ва жисмоний саломатлик учун ҳам бебаҳо восита эканини англашади.

**Илҳом САФАРОВ, Когон шаҳридаги 8-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси:**

— Мактабимиз спорт зали Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали томонидан зарурий жиҳозлар билан таъминланган. Жисмоний тарбия фани дарсларидан ташқари, яна 8та спорт тўгараги фаолияти мунтазам йўлга қўйилган. Мактабимиз спорт зали ва спорт майдончасида шуғулланиб, тажрибали ўқитувчи ҳамда мураббийлардан сабоқларни пухта ўзлаштириб бораётган ўғил-қизлар бир неча йиллардан буён «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг шаҳар босқичида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. 5-синфлар ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари»нинг жорий йилги вилоят босқичи баҳсларида мактабимиз ўқувчилари умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Қолаверса, 9-синф ўқувчиси Комил Ҳасанов қўл жанги бўйича Осиё чемпионатида 2-ўринни эгаллади. Илҳом Ҳамроев футзал бўйича туман терма жамоаси таркибида вилоят ва республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Албатта, бундай ютуқлар сафини янада кенгайтириш, энг муҳими, ўқувчилар қалбида спорт билан мунтазам шуғулланишга муносиб рағбат уйғотиш мактабимиз ўқитувчиларини доим бирдамликка чорлайди.

**Сора ТОШЕВА тайёрлади.**

# РИШОД — ФАХРИЙ ЭЛЧИ

## *«Inchxon-2014»*

**Пойтахтимизда 2014 йилда Инчхон шаҳри (Жанубий Корея) мезбонлик қиладиган XVII Осиё ўйинларининг тақдимоти ўтказилди. Унда Осиё ўйинлари ташкилий қўмитаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ва спорт федерациялари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

XVII Осиё ўйинлари ташкилий қўмитаси Олимпия ҳаракатини оммалаштириш ҳамда навбатдаги Осиё ўйинларига бўлган эътиборни янада кучайтириш мақсадида спорти юксак суръатда ривожланаётган 6 мамлакат: Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Сингапур, Вьетнам ва Хитойда "Инчхон-2014" тақдимотига бағишланган расмий тадбирлар ўтказиш режалаштирилгани ҳам эътиборлидир.

Қувонарлиси, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва Ўзбекистон спортчиларининг халқаро миқёсда эришаётган ютуқлари инобатга олиниб, XVII Осиё ўйинлари ташкилий қўмитаси илк расмий тадбирни айнан Тошкентда ўтказишга қарор қилгани ҳам фахр, ҳам халқаро эътирофдир.

Тадбирдаги яна бир диққатга сазовор ҳолат — икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собировнинг XVII ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистоннинг фахрий элчиси сифатида қатнашиши бўлди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, одатда бу номга қитъамиздаги барча мамлакатларнинг эмас, балки саноқли давлатларнинг энг кўзга кўринган ёш спортчилари сазовор бўлишади. Не бахтки, уларнинг орасида Ришод ҳам бор.

— Юртимиз спортчилари футбол, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, бокс, шахмат каби спорт турлари бўйича жаҳон ареналарида юксак натижаларга эришмоқда, — деди Ришод Собиров. — Мамлакатимизда иктидорли ва дунё тан олган спортчилар кўп. Бу шарафга лойиқ кўрилганимдан жуда мамнунман. Инчхонда ўтказиладиган Осиё ўйинларида фахрий элчи сифатида мусобақаларнинг ҳар жиҳатдан муваффақиятли ўтишига ўз ҳиссамни қўшиб, менга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан. Мамлакатимиз спорт делегацияси мазкур спорт ўйинларида энг кучли терма жамоалар сафидан жой олишига аминман.

Эслатиб ўтамиз, Осиё ўйинлари дастуридан 36та спорт тури ўрин олган бўлиб, уларнинг 28таси олимпиада спорт турлари саналади.




## КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

**Футбол бўйича Италия А серияси чемпионатининг 35-тури ортда қолди. Гарчи мавсум якунланишига яна уч тур қолганига қарамай, «Ювентус» жамоаси чемпионликни қўлга киритиб улгурди.**

Ўз тарихида 29-марта зафар қучган туринликлар ушбу турда «Палермо»ни қабул қилди ва кичик ҳисобда (1:0) ғалаба қозонди. Чемпионларнинг ягона голи пенальтидан (А.Видаль) киритилди.

«Ювентус» яқин таъқибчиси «Наполи»дан 14 очкога ўзиб кетди. Энди қолган 4 турнинг барчасида муваффақият қозонган тақдирда ҳам наполиликлар пешқадамга етолмайди.

Аммо Италияда Европа чемпионлар лигасининг квалификация раунди йўлланмаси учун баҳслар қизимоқда. «Милан», «Фиорентина» ва «Рома» клублари то сўнгги турга қадар ушбу ўринлар учун курашишга мажбур.

## ДАЪВОГАРЛАР ҒОЛИБ БЎЛОЛМАДИ

**Украиналик боксчи Владимир Кличко италиялик рақиби Франческо Пьянетага қарши ўтказилган жангда суперогир вазн тоифасида эгалик қилиб турган чемпионлик камарларини (WBA, IBF, IBO ва WBO) муносиб тарзда ҳимоя қилди.**

Германиянинг Мангейм шаҳрида уюштирилган муштлашувда Кличко рақибини техник нокаутга учратди. Владимир 3-раундга қадар вазиятни назорат қилди ҳамда тўртинчи ва бешинчи раундларда ҳужумга ўтди. Италиялик боксчига кетма-кет кучли зарбалар бериб, нокдаунга учратди. Олтинчи раундда ҳолдан тойган Франческо учинчи бор нокдаунга учрагач, рефери қоидага мувофиқ жангга якун ясади. Кличко олтмишинчи (52та нокаут) ғалабасига эришди. Пьянета эса 30 учрашувдан бери илк мағлубиятини «нишонлади».

**Шунингдек,** америкалик Флойд Мейуэзер ҳам 66,7 кг.гача вазн тоифасида (WBC) ҳамюрти Роберт Герероні енгиб, чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилди.

## МЕЗБОНЛИК ТАЛАБИ

**Шахмат тожи учун ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ва норвегиялик Магнус Карлсен ўртасидаги партиялар амалдаги чемпионнинг она шаҳри Ченнаида ўтказилиши мумкин.**



Бу хабарни Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти К.Илюмжинов тасдиқлаган. Учрашув шу йилнинг 6—23 ноябрида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Айрим манбалардаги маълумотларга кўра, мусобақага Париж, Тромс ва Нью-Йорк шаҳарлари ҳам даъвогарлик қилмоқда. Шуниси аниқки, мезбон шаҳар ФИДЕ ҳисобига 3,3 миллион доллардан зиёд маблағни ўтказиши керак.

## УМУМИЙ ҲИСОБ — 4:20

**Эшторил шаҳрида бўлиб ўтган АТР таснифидаги умумий ютуқ жамғармаси 410 минг еврога тенг халқаро теннис турнири финалида швейцариялик Станислас Вавринко ҳамда испаниялик Давид Феррер ўзаро куч синашди.**

1 соату 4 дақиқа давом этган матчда 6:1, 6:4 ҳисобида Станисласнинг қўли баланд келди. Аммо швейцариялик ракеткачи тажрибали Давид билан умумий ҳисобни тенглаштириш учун уни яна уч турнирда мағлуб этиши керак (умумий ҳисоб 7-4).

АТР мусобақаларида 28 ёшли Станислас эндигина тўртинчи совринни қўлга киритган бўлса, 31 ёшли Давид йигирмата ютуққа эришиб улгурган.

# САРМИШСОЙ: АСРЛАРНИНГ БОҚИЙ САДОСИ

(Давоми. Боши 1-, 7-бетларда.)

Қўҳна тарих, қадимий ва бой маданий меросни ўз бағрида сақлаб келаётган Сармишсойга оқшом тушди. Рангин чироқлар, турфа безаклар бу масканга ўзгача шукуҳ, байрамона кайфият бағишлади. Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г.Каримова илм-фан, санъат ва маданият, маънавият ва маърифат муттасил ривожланиб бораётган мамлакатимизда "Асрлар садоси" каби фестивалларнинг юқори савияда, байрамона руҳда ўтказилиши янгидан-янги ижодий лойиҳалар, изланиш ва тадқиқотларни олиб бориш, бой маънавий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Фольклор жамоалари, турли танловлар ғолиблари — ижрочи ёшлар, санъат усталари, хорижлик ҳонанда ва созандалар иштирокидаги катта концерт тадбир қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди. Фестивалнинг энг фаол иштирокчиларига диплом ва совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**Нуриддин РАҲИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

**Отабек МИРСОАТОВ, Тоҳир ИСТАТОВ, Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**



Ma'rifat

*TA'SIS ETUVCHILAR:*

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-518.
Tiraji 53903.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

*Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Qurbonboy MATQURBONOV.

Navbatchi:
Jo'rabek JANGIROV.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 21.30
Topshirildi — 21.35